

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

Н.С. Сафоев

“ ____ ” ____ 2011 й

5140800 –“Педагогика ва психология” факультети 4 босқич талабаси

БОБАЯРОВА ЛОБАР ЭРКИНОВНА нинг

**“Илк ўспиринлик ёшида коммуникатив сифатларини
шаклланишини психологик омиллари” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Ҳимояга тавсия этилсин”

“Психология” кафедраси

муздари _____

пс.ф.н., доцент. Н.Г. Камилова

Илмий раҳбар: пс.ф.д.

Б.Умаров _____

Такризчилар:

1) Пс.ф.н., доц. Н.Лутфуллаева _____

2) Пс.ф.н., доц. П.С.Эргашев _____

ТОШКЕНТ -2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИДА КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНИ АДАБИЁТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ.

1.1. Шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги фикрлари.

1.2. Чет эл психологлари асарларида мулоқотчанлик муаммосининг ёритилиши.

1.3. Илк ўспиринлик ёшининг ўзига хос хусусиятлари.

Боб бўйича хулоса.

II-БОБ: ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИДА КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНИ ТАЖРИБАДА ЎРГАНИЛИШИ.

2.1. Шахснинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини диагностика қилиш.

2.2. Ижтимоий-психологик мослашганлик ва коммуникатив сифатлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

2.3. Коммуникатив сифатлар ва ўз-ўзини баҳолаш ўртасидаги алоқадорликни таҳлил қилиш.

Боб бўйича хулоса.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Фойдаланилган адабиётлар

ИЛОВА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Келажаги буюк давлат барпо этишда илм-фан, умуман таълим соҳасининг аҳамияти баланд. Негаки, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, тақдирини ҳам ақл-заковат, юксак маънавият, чуқур ва атрофлича билим ҳал қилади. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги барча ислоҳатларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқоролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидар бири бўлиб қолади. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштириш миллий хусусиятимиздир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ижтимоий-сиёсий соҳаларда ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия тизимини белгилаш ва янгилаш долзарб ва кечириб бўлмайдиган вазифа даражасига кўтарилди. Таълим ислоҳати демократик жамиятни барпо этишда дадил етакловчи ички кучга айланди ва таълим тизимига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини вужудга келтирди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Таълим –тарбия тизимини тубдан ўзгартимасдан туриб одамлар онгини демак-ки, уларнинг турмуш тарзни ҳам ўзгартириш мумкин эмас”.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этишса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демакратик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги урнини онгли тарзда ўзи белгилайди.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, Илк ўспиринлик ёшининг коммуникатив томонларида учрайдиган муаммоли вазиятларни намоён бўлиши, улардаги мулоқотни амалга оширишда адекват мулоқот кўникмалари шаклланганлик даражасини пастлиги, мулоқотга киришишдаги

тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари мавжуд эмаслиги ва буларнинг камлиги талабалар ўртасидаги шахслараро муносабатга таълим олиш самарадорлигига салбий таъсир қилади. Янгиланиб бораётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, комил инсонларни вояга етказиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Комил инсоннинг муҳим сифатларидан бири, шубҳасиз, мулоқот маданиятидир. Етарлича шаклланмаган мулоқот маданиятимиз соғлом ижтимоий муносабатларни ўрнатиш жуда мушкул.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Талим туғрисидаги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур” қабул қилинди бу қонун ва дастур таълим тизимининг ислоҳ қилишни асосий тамойилларини белгилаб берар экан, у аввалги таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиш имконини ҳам беради. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида келтирилишича, таълимнинг янги модели, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади. Ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради. Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам Илк ўспиринлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда муносиб ўрнини топиши керак, бунинг учун улар атрофдагилар билан муносабатга кириша олишлари, муомала-маданиятига эга бўлиш керак, акс ҳолда бу нарсa нохуш оқибатларга бир-бирини тушунмасликка ҳатто ижтимоий ларзалаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини юқотишга олиб келади. Ўз қадрига ўзининг шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп тусиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади. Маълумки, халқ таълими тизимининг асосий буғинини узлуксиз талим тизими ташкил қилади. Шу сабабли бу масалага асосий эътибор қаратиш лозим. Узлуксиз

таълимни давлат таълим стандартлари вақтегишли таълим дастурлари билан таъминлашда аввало уларнинг жаҳон талабларига жавоб беришга юксак маънавий заминда қурилганига асосий эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда, шу жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар таълим муассасалари, ўқитувчилар, барча педагоглар олдида ўқувчиларнинг билимларини юксак даражада ўзлаштириш, уларда мустақил тафаккурни, фаолликни ривожлантириш, юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, ўқувчиларни дунёни яхлит идрок этиш, уларнинг фикрлаш, мулоқот ўрната олиши, меҳнат қилишга бўлган қобилиятларини тараққий эттириш каби мураккаб ва маъсулиятли вазифаларни қўймоқда.

Санаб ўтилган вазифалар ичида ўқувчиларнинг мулоқотчанлик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, мулоқот билиш ва меҳнат фаолияти билан бир қаторда инсон шахсини шакллантирувчи муҳим фаолият тури сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати шахсини узлуксиз таълим орқали ҳар томонлама етук фуқаро бўлиб шаклланиши инсоннинг ақлий хусусиятлари маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ ҳолда олиб боришни назарда тутилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, буш жойдан шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Масалан, Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ухшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала балки, ҳаётимизнинг ўзвий

бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларини кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

Ҳозирги замон педагогик технологиясининг психологик моҳияти таълим жараёнида ўқувчиларга, айниқса, Илк ўспиринлик ёшида жиддий ёндашишни тақозо қилади. Анъанавий бўлиб келинаётган таълим тизимининг мазмуни муайян билим кўламии болалар миясига ўзатишнинг омиллар йўлларида фойдаланишни назарда тутди. Лекин боланинг фанга муносабати, унинг имконияти иккинчи даражали ижтимоий муаммо сифатида қаралиб келинади. Навбатдаги таълимий муаммо “Ким билим олади?” деган жумбоққа жавоб топиш билан боғлиқ. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнини яқка тартибда ва табақалаштиришни, босқичма-босқич юзага келган вазият ҳамда уларнинг имкониятлари билан алмаштиришни режалаштириш лозим. Илк ўспиринлар билан ишлаётган ўқитувчи, энг аввало шу нарсани ҳисобга олиши керак-ки, улар учун қанчалик билим керак? Ўқитувчининг истеъдоди, зеҳни, ишчанлиги, тезкорлиги, ўқувчанлиги, ўртоқлари билан мулоқотга кириша олиши қай даражада эканлиги устида мулоҳаза юритиш лозим. Бу ўқитувчининг ижтимоий бурчидир. Зеро, илк ўспиринлард мустақил фикрлаш, мустақил изланиш, мустақил уддалаш имкониятлари ишга тушсин, аста-секин амалий кўникмалри вужудга келсин.

Маълумки ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги бу –инсон, инсон авлодидир. Кишилиқ жамияти эл-юртига Ватанига садоқатли, иймон-этиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фарқланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаи бўлиб, ана шундай ноёб фазилатларга

эга авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамият олдида турган энг муҳим вазифаларидан биридир.¹

Ушбу вазифаларни бажариш, янги демократик давлат фуқоралик жамият қуриш учун, энг аввало, ҳар бир инсоннинг дунё қараши, билими ва савиясини ҳамда энг муҳим мулоқотчанлик сифатларини янада ривожлантириш ва устириш лозим.

Инсон илми ё ижтимоий мавқеидан, ёши ё касбкоридан қатъий назар ҳар кун, ҳар соатда одамлар билан муомалада бўлади. Мулоқот ҳар қандай ҳолатда ҳам кишиларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ҳисобланади. Бу таъсир кам ёки кўп, очиқ ёки яширин, ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Таъсир кучи шахсларнинг маънавий даражаларига, ўзига хос хусусиятларига, сезгирлиги, диди, обрў-эътибори ва бошқаларга боғлиқ. Кишиларнинг индивидул хусусиятлари оилада, жамоада шаклланади ва тарбияланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахсда муомала маданиятининг шаклланишида тарбиячи ва педагогларнинг алоҳида ўринга эгадир.

Юқорида кўрсатилган фикрларга асосан тадқиқотимизда кўтарилган мавзу ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигига етарлича асосимиз бор.

Ўрганилганлик даражаси. Мулоқот билан боғлиқ муаммолар психология фанида чуқур ўрганилган бўлиб, бу борада катта хажмдаги илмий билим тўпланган. Мулоқот муоммоларини Л.С.Выготскийнинг ишларида ҳам кўрамыз. У борлиқ билан ўзаро шахслараро муносабатларда мулоқот муҳим ўринни эгаллайди деб кўрсатиб ўтади. Рус психологи Б.Ф.Паригин мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида таъкидлаган.

Психолог В.Н.Мясищев ўзининг “Шахснинг муносабатлар психологияси” концепциясида мулоқотнинг расмий ва маънавий

¹Каримов И.А “Юксак- маънавият енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008йил.

тавсияларининг бош масаласига қатъий аҳамият беради. Б.Г. Ананьев фикрига кўра инсон ўз муносабатларнинг мулоқот орқали амалга оширади ва мулоқотнинг турли шакллари мавжудлигини айтиб ўтади. Рус психологи А.Н. Монтъев ўзининг “Психика таракқиётидан очерклар” номли асарида мулоқотнинг учунчи шакли-авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти туғрисида ёзади. Г.М. Андриева мулоқот қисмлари ва вазифаларини айтиб ўтган.

Буюк мутфаккирларидан бири ўз даврининг “Муаллимусоний” деб ном олган Абу Наср Форобий асарларида ўзаро муносабатлар бош масала бўлиб туради. Ўрта асрнинг буюк алломаси Абу Раҳон Берунийнинг фикрига кўра, агар киши ўзаро муносабатларда ўзининг мулойимлик, камтаринлиги, улуғворлиги билан халқ орасида танилса, у хурмат-иззат топади. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам шахслараро муносабатларга таъриф берилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Илк ўспиринлик даврида шахсида мулоқатчанлик сифатлари ва унинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти. Илк ўспирин ёшидаги ўқувчилар.

Тадқиқот предмети. Илк ўспиринларда коммуникатив хусусиятининг психологик омилларини ва уларнинг ижтимоий мослашиши ҳамда ўз-ўзига берадиган баҳоси.

Тадқиқотнинг илмий фарази қуйидаги тахминлардан иборат бўлди:

1. Илк ўспиринларнинг коммуникатив хусусияти унинг ижтимоий мослашишини таъминловчи омилларидан бири бўлиши мумкин.
2. Илк ўспиринларда коммуникатив даражаси шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин.
3. Илк ўспиринларнинг ўз-ўзига берадиган баҳоси унинг мулоқотчанлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқот мақсадига эришиш ва илгари сурилган илмий фаразни текшириш учун бир қатор **вазифалар** белгилаб олинди:

- Илк ўспиринлик ёшида мулоқот жараёнининг муаммоли томонларини назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Илк ўспиринларнинг ўқиш ва бошқа фаолиятларидаги мулоқотга киришувчанлигига таъсир этувчи психологик омилларни ўрганиш;
- Тадқиқотда қўйилган фаразни текшириш учун эмпирик маълумотлар тўплаш;
- Илк ўспиринлик ёшида шахс хислатларининг таркиб топишида хусусан, ижтимоий мослашишларида ва ўз-ўзига баҳо беришларида мулоқотчанлик таъсирини ўрганиш;
- Хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари:

1. Сухбат, кузатиш, эксперимент.
2. Шахс сўровномалари:
 - ✓ Шахснинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари (КТҚ)ни ўрганиш методикаси.
 - ✓ Ф.К. Роджерс ва Р. Даймонд томонидан ишлаб чиқилан “Ижтимоий-психологик мослашганлик характеристикаларини ўрганиш” методикаси.
 - ✓ С.А. Будасси томонидан ишлаб чиқилган “Шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини аниқлаш методикаси.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг асарларидаги мустақил фикрловчи, баркамол авлодни шакллантиришдаги устувор ғоялари, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Рус психологи Б.Ф. Паригин назаряси, В.М.Бехтеревнинг “Ижтимоий- психологик нахарияси” ва В.Н. Мясисевнинг “Шахснинг муносабатлар психологияси” концепцияси методологик асос қилиб олинди.

Тадқиқот базаси. Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб ҳунар коллежи 7-08 Банк иши гуруҳининг 30 нафар ўқувчилари.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижасида қўлга киритилган маълумотлар, хулоса ва тавсиялар, илк ўспиринлар таълим - тарбия жараёнини ташкил қилишда, коллежларда фаолият кўрсатаётган амалий психологлар учун илк ўспиринлар билан ишлаётган ўқитувчилар хусусан гуруҳ раҳбарлари учун “Камолот” ижтимоий –сиёсий ташкилоти етакчиликлари учун ва илк ўспирин ёшидаги фарзанди бўлган ота-оналар учун уларда муайян шахс хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш ишларида амалий жихатдан қўлланилиши мумкин. Иш билан бирга илк ўспиринлар тарбияси ва маслаҳатлар беришда фойдалани мумкин.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

Бу муаммо юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалри асосида қилинган хулосалар ёки психологиясига хусусан Илк ўспиринлик ёшида янги назарий маълумотлар беради. Янгилиги шундаки, илк ўспиринларнинг мулоқотчанлиги ва ижтимоий шароитга мослашишлари алоҳида-алоҳида ўрганилган. Лекин уларнинг назарий аҳамияти ҳам айнан шундадир.

I-БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИДА КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНИ АДАБИЁТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ.

1.1. Шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги фикрлари.

Кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги инсон авлодларидир. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғалар, ўлмас шарқ фалсафаси миллий кадриятимиз руҳида тарбиялаб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизнинг, динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб баркамол авлодларни вояга етказиб келган. Чунки ҳар бир оқил инсоннинг муқаддас вазифаси ҳаётнинг маъноси қобил фарзандлар ўстириши, ота-онасига, оиласига, жамиятга, ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Муомала ҳақидаги асарлар ҳам аввало шарқнинг маҳсулидир. Чунки, яратилган илк қадимги наъмуналар ҳам асосан одоб тўғрисида, мулоқот тўғрисида бўлган. Шарқ донишмандчилигининг асосий шартларидан бири муомала масаласи бўлган. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома” китобида шундай фикр бор: “Эй ўғил билгинки, аввало, илм ўрган бундан устознинг амалларини сўзсиз бажар, унинг юзига боқма, агар кўнглингда шубҳа туғилса, аввало ижозат сўраб, кейингина мақсадингни айт”. Демак, шарқда устоз ва шогирд ўртасида мулоқот жуда эъзозланган. “Қобуснома” да келтирилишича “Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин, қочмоғликни киши сўзи эшитмак била сухангуйлик ҳосил қилур. Аввало буни шундай далилаш мумкин, унга ернинг остидан бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмаслар, у уғлон ҳеч кишини сўзини эшитмаса, улуғ булғонда соқов бўлур. Кўрмасмусанким барча соқовлар қар бўлур”. Демак инсон боласининг мулоқот га қанчалик муҳтожлиги ҳатто болалигидан мулоқотга киришмаган

одам нафақат соқов, балки эшитолмайдиган бўлиб қолиши мумкинлиги, мулоқот инсон фаолиятида етакчи ўрин эгаллаши таъкидланган.²

Маълумки, Абу Али Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар сингари ўзининг таълим-тарбияга оид қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус ижтимоий, фалсафий қарашлари, шунингдек, фанларни тасниф этади. Абу Али Ибн Сино ўзининг “Донишманднома” асарида ҳар бир киши бахтли бўлиши учун ўзидаги ахлоқи, одоби, юриш-туриши ва атрофдагиларга муносабатини ижобий қилиш кераклигини ўқтиради.

Ибн Сино юксак ахлоқий хислатларга яна кишиларнинг бир-бирлариг дўст бўлиб яшаши, ҳамкорлик қилишни ҳам киритади. Чунки, ҳар бир жамиятда одамлар билан бирга яшар экан, улар билан дўстона яшашга интилади. Модомики, инсон мулоқотга мухтож экан, бошқа биров билан қўшничилик қилиш учуну ёнига уй солади, ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун эса ишлаб чиқарган маҳсулотини алмаштиради, душманлардан сақланиш учун ўзгаришлар билан бирлашади. Мана шу тариқа кишиларда бирлик ҳисси, мулоқотга киришувчанлик, ширин муомала, бир-бирларига нисбатан севги-муҳаббат ва умуминсоний ҳис-туйғулар, ахлоқий негизлар ишлаб чиқиладиган бўлади. Ҳар бир иш негизида муомалага киришиш, мулоқотчанликка эҳтиёж туғилар экан, тўғри муомала ўрнатиш зарурлиги таъкидланади.

Шарқ алломаларидан бири Абу Наср Форобий яқин ва Ўрта шарқда илғор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бири бўлиб, “Шарқ Аристотел” деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккирдир. Форобий дунёқарашининг асосини, яъни дунёнинг ўзилиши ҳақидаги тушунчасини “пантеистик” деган фикр ташкил этади. Мавжудот “Эмоция” ёрдамида ягона бошланғичдан поғанама-поғана вужудга келган, яқкаликдан кўпчиликка, ранг-барангликка борган-“Ақл ва нафс”- деб ёзади. Форобий “Бахт-саодатга эришув тўғрисида ўзининг чексиз камолоти билан борлиқда инсон бўлиб,

² Кайкавус “Қобуснома” Тошкент. Ўқитувчи 1986й

гавдаланади. Аммо, бу бошланғичлар одамзоднинг шу табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб, инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб-хунарга мухтождир.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нутқ инсоннинг камолга етишувининг ягона сабабларидан бири эмаслиги ҳам очиқ-ойдин аёндир...

Камолга етишиши куруқ интилишгина бўлиб қолмасдан, балки табиатдаги жуда кўп нарсалардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиатдан ташқарида бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш йўли билан қулга киритилади... Бир ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликинг ёрдамисиз) камолотга етиша олмайди. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хосияти бор, жамики одамзод аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишига мухтож ёки мажбурдирлар.

Форобийнинг фикрича, ҳар бир шахс муносиб одам бўлиши учун унга таълим ва тарбия зарурдир. У таълим орқали эса кишилар билан мулоқотни, ахлоқий кадр-қиммат билан ва амалий фаолиятни ўрганади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ахлоқ-одобга лойиқ инсон икки фазилатга эга бўлмоғи лозимлигини ва бу фазилатлар таркибида муомала одоби, инсоннинг ўзаро бир-бири билан хуш мулоқотлиги дўстлиги кабиларни киритади. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга уни гўзал амал қилиш учун йўналтириладиган одат маҳсули бўлишига етук хулқ лозим. Шунингдек, тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тўзишда шундай дейди: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ходисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман...” дейди.

Демак, аллома, бу фикрлари билан таълим олувчиларга тил илмлари яъни лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлигини таъкидлаганлар.

Қомусий олим Абу Райхон Беруний фикрича, ахлоқлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиш керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит-жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади, деб таъкидлайди аллома.

Абу Райхон Беруний одамнинг ташқи қийфаси унинг аҳолоқий қиёфаси билан ўзвий боғлиқлигини ва орасталиқдир. Инсонлар билан муомаласида муҳим ўзак эканлигини асослайди.

Улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида Сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида: “Билиб сўзласа сўз билиг саналур” деган эди.

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,

Туман сўз тугунини бу бир сўзла ёз.

Шоир ушбу байти билан ўқувчига шуи ўқтирмоқчи, сўзни кўп сўзлам, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунни шу бир сўз билан еч. Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутуган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан, мулоқот жараёнида нутқнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига эриши муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир сўзловчини мулоқот давомида эътиборли бўлишга, тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, ҳовлиқмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, нутқни равон қилиб, тўзишга чақиради. Тил инсоннинг қадр қимматини оширади ёки шу тил орқали инсон юз тубан кетиши ҳам мумкин. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқилик бўлса, иккинчиси-яхши сўз, дейди олим ушбу пурҳикмат асарида. Юсуф Хос Ҳожиб жамият тақдирини ҳал этувчи энг улуғ мансабдорлардан оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала- муносабат масалаларини ҳам ҳаётий мисоллар воситасида ёритади. Катта ёшлиларнинг кичикларга, кичикларни улуғларга, амалдор ва мансабдорларнинг ўз хужаларига турли ижтимоий гуруҳ

аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади.

Демак, инсоннинг, айниқса, ёшларнинг ҳар қандай жойда ва ҳар ким билан тўғри мулоқотга кириша олиши, мулоқот вақтида ўзгаларни тушуна олиши учун унинг зийнатидир.

Адиб Аҳмад Югнакий ҳам кишилар ўртасидаги мулоқотчанлик хусусиятлари ҳақида ёзар экан шуларни назарда тутди: “Сўзлаганда нутқни уйлаб шошмасдан тўзишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тўзилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин деб, сўзловчини огоҳлантиради”. Аллома “Ҳиббат ул ҳақойиқ” асарида тилни тиймаслик , худа-беҳуда сўзларни айтавериш бошга бало келтиради. Шу боис у тилни тийишни мулоқот чоғида ҳар бир сўзни уйлаб сўзлашни маслаҳат беради.

Адиб туғри сўзлаш билан бирга, сир сақлай олиш хислатининг ҳам инсонга хос бўлган ижобий фазилатлардан бири деб эътироф этади. Инсон сир сақлашни лозим деб ҳисоблаган воқеа ёки ҳодисани, ҳатто дўстга ҳам гапирмаслиги шартлигига алоҳида урғу беради. Зеро, кишининг ўзи сир сақлай олмаган экан, бошқалар ҳам шундай йўл тутиши мумкин. Натижада сир атрофдагиларга аён бўлади ва унинг сирлиги қолмаслиги аниқ.

Алишер Навоидан Бобургача, суфийлик оқимида АЛ-Замахшарийдан Баҳоуддин Нақшбандгача мулоқот масаласи жуда чуқур ўрганилган.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий мулоқот маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширин сўзлик ҳақида пурхикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. “Тилнинг ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, муойимлиги эса фойдали. Ширин Сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир”-дейди Навоий. Мутафаккир ҳар бир Сўзнинг ўз ўрнида ўз пайтида ишлатиш лозимлиги таъкидлайди. У ҳар доим сўзни чўзмаслик, қисқа қилиш керак, чунки ўртача саломатликка сабаб бўлганидек, гапни қисқа ва мазмунли қилиш кишини иззатли қилади. Шунинг учуну “Чин сўз мўътабар, яхши ўўз мухтасар” дейди. Алишер

Навоий ўзининг “Махбубул-қулуб” асарида шундай келтиради: “Тил мунча шараф билан нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, бошнинг офатидир...” яъни, тил шуча шарафи билан нутқнинг куралидир, агар у ўринсиз ишлатилса тилнинг офатидир. Адиб кишиларнинг ўзаро мулоқот жараёни ҳақида гапирганда, нутқнинг тўғри, қисқа, лўнда, ёқилми, мантиқли, тушунарли ва таъсирли бўлишини ўзининг “Арбаин” асарида, шунингдек, “Ҳамса” асарида беш дostonнинг ҳар бирида ҳам ажойиб фикрларни айтиб ўтган.

Бефойда Сўзни кўп айтма,

Чин айта олур тилни ёлғинга булғам.

Мулоқот пайтида кишиларнинг бир-бирини тушуниши, суҳбатнинг мазмунли бўлиши, ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, суҳбатнинг ўзок чўзилиши ёхуд суҳбатдошнинг сўзга жуда ҳам чечанлиги билан эмас, балки сўзнинг маъноси ҳамда ростлиги билан ўлчанадию имони бор ҳар бир яхшилик-сўз орқалидир.

Ҳам сўз ила элга улимдан нажот,

Ҳам сўз ила топиб улук тан нажот.

Инсонни биргина сўз билан бахти қилиш мумкин, бир сўз билан гадо қилиш ҳам мумкин. Бунинг ҳаммаси гапнинг маъносига боғлиқ.

Сўз борки, тингловчи танига жон киритади,

Сўз борки, айтувчи бошини елга беради.

Ширин сўз орқали бемор одам дардига шифо топиши мумкин ёхуд аччиқ сўз билан унинг умрига нуқта қўйиш ҳам мумкин. Мулоқот шундай нозик жараёнки, унда инсон ўзи билмаган ҳолда бировнинг кўнглига озор бериши ва жамиятда ўз ҳурмати йўқотиши, ёйинки, аксинча эл ичида азиз инсон бўлиши, ҳамманинг эътиборида бўлиши мумкин.

Тилига кучи етган одам-доншманддир. Тил ширинлиги, кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги фойдали. Чунки тил аччиқликка айланса, зарари умумий булур. Сувнинг маззаси мўз билан, ошнинг маззаси тўз билан буганидек, одамнинг яхшилиги сўз биландир. Тилга эҳтиётсиз-элга эътиборсиз. Кўнгил

махзанининг қулфи тил ва у тил калитин сўз бил. Тил ва кунгил яхшироқ аъзолардин инсонда. Тилингни ўз ихтиёрида асра. Сен кимгадир тилинг билан озор беришинг, унга жисмоний жароҳат етказишдан ҳам оғирроқ бўлиши мумкин.

Шоира Нодирабегим айтадилар: “Сўз инсон дунёсининг жавохири, ўрни келаганда кескир қиличдир. Топиб гапирган –одам, ёқиб гапирган-ақлан ўткир, маънан бақувватдир сўз инсоннинг кимлигини билдирадиган ҳужжатдир. Агар инсонлар ўзаро муносабатда сўздан усталик билан фойдалансалар, арслонлар енгилганини, майдалар йириклашганлигини, ёмонлар яхши бўлганини сезмай қоладур”.

Абу ад-Дардо ривоят қиладилар: Расулуллоҳ: “Кимгаки мулойимликдан насиба берилган бўлса, унга яхшиликдан насиба ато қилган бўлса, яхшиликдан ҳам маҳрум бўлган бўлади. Қиёмат куни мўмин банданинг тарозусини оғир қиладиган нарсаси яхши ахлоқдир. Аллоҳ Таолло ёмон сўз ва ёмон феъллик кишига албатта ғазаб қилади-дедилар.

Демак, инсон ҳаёт кечирар экан, у ҳаёти давомида бошқа инсонлар билан доимо мулоқотда бўлади. Бу жараёнда у гоҳ сўзловчи, гоҳ тингловчи ролини бажаради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одамлар билан мулоқот қилиш катта маъсулиятни талаб қилади. Алломаларимиз ижодида бу масала кенг ёритиб берилган.

Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб айтди:

-Азиз ўғлим, бир одам сенга тили бурро экани билан мақтанса, сен кам сўзли эканинг ва керак бўлганжойда сукут қилишинг билан мақтан. Ақли комил бўлганкиши қисқа ва маъноли сўзлайди. Ўғлим, сен ҳам сўзлаш пайти ва шароитини айтиб, оз ва керакли сўзларни сўзла, маҳмадоналик қилма,-деб ўқтирадилар.

Абу Лайис Самарқандий айтадилар:-“Эй, муминлар юмшоқ бўлинг, чунки қайси инсонда юмшоқлик бўлса, уни зийнатлайдилар ва қайси инсонда бўлмаса уни лаънатлайдилар”.

Юқоридаги фикрлардан шуни англаш мумкинки, мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўриниширки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро психик жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, таъсирланадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, идрок этадилар, у ёки бу имкониятларини англайдилар ҳамда баҳолайдилар.

Илк ўспиринлик чоғида мулоқот нафақат фикр алмашиш, маълумот олиш, ўзатиш билан кифояланади, балки у ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўз-ўзини тузатиш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқари учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

1.2. Чет эл психологлари асарларида мулоқотчанлик муаммосининг ёритилиши.

Мулоқот жараёни шахс ижтимоийлашувининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шахснинг шаклланишида фаолият, хулқ-атвор қандай роль ўйнаса, шахслараро муносабатда мулоқот ҳам худди шундай ҳал қилувчи вазифани бажаради. Жаҳон психологияси мақоми, ўзига хос хусусиятлари ва услублари юзасидан муайян даражада маълумотлар тўпланган. Лекин унинг асосий психологик тавсифлари, тўзилиши ва ўзаро боғлиқлиги, ҳаракатлантирувчи механизмлари масалаларига бағишланган тадқиқотлар жуда камчиликни ташкил этади. Мулоқот психология фанининг асосий категорияларидан бири бўлиб, у ўз ичига шахслараро муносабатларнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида мулоқот категорияси кенг маънода тушунилганда ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларни акс эттириб, ижтимоий процессуал жабҳасини ифодалайди. Мулоқот ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўпқиррали жараёнидир.

Илк ўспиринларда мулоқотчанлик сифатлари, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиши уқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти

хам бошқа ўзидан катта инсонларга тақлид қилиш орқали шаклланади. Илк ўспир учун одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайри-ихтиёрий, ғайри-табiiй ижтимоii ҳолат ёки ходисага онгли таяниш ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, ўзини-ўзи буйруқ бериш шахснинг рухий дунёсидаги муҳим юксалиши босқичидир.

Шахслараро муносабатларда ўспиринларнинг мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби-бу ўзини-ўзи ортиқча ёки паст баҳолаши туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатидир.

Рус психолог В. Н. Мясищев ўз концепциясини “Шахснинг муносабатлар, психологияси” деб номлайди. Агар кўпчилик муаллифлар мулоқотни ўрганиш кишилар ўртасида ўрнатиладиган нутқий камуникация сифатида тадқиқ қилиш билан чекланган бўлсалар, В. Н. Мясищев унинг расмiiй ва маънавий тавсияларининг бош масаласига қатъiiй аҳамият беради, уни яхлит ҳолда қарашга интилиб, муайян шахсларнинг ўзаро таъсир этиш жараёни, маълум маънода бирининг иккинчисига боҳлиқлиги ва бир-бирига таъсир ўтказувчанлиги тарзида ўзаро муносабатлари турли фаоллик, танловчилик, ижобiiй ва салбiiй хусусияти билан акс этади. Мулоқот ёки муносабат шакли усули, инсоннинг инсонга мурожати ҳисобланади.

Илк ўспиринлар мулоқот жараёнида ҳиссий беҳбудликнинг қатъiiй йўқлиги беқарор ўзини-ўзи баҳолашга олиб келиши, аввал алоҳида вазиятда, кейинчалик эса, шахснинг хавотирланишда салбiiй таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай одам ўзида қувониш ҳиссини вужудга келтира олиши ва уни бошқара билиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги тузилишини таклиф этади:

- Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни:
- Мулоқотга киришувчи томонларнинг ҳулқ-атвориға таъсир жараёни:
- Мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён:

Г.М.Андрееванинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигоҳларнинг 2000га яқин кўринишлари бор. Новербал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовiiй

жойлашувлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, аёллар кўпроқ хиссиётларга бой бўлганликлари сабабли, суҳбатлашаётганда бир-бирларига яқин туриб гаплашадилар, эркаклар ўртасида эса доимо фазовий масофа бўлади. Олимларнинг аниқлашича, болаларни одатдагидек, кетма-кет ўтказиб караганда, уларни давра қилиб, юзма-юз ўтказиб ўқитган самаралироқ.

Илк ўспиринликнинг муайян руҳий ҳолатларига онгсиз равишда, бефарқ, ихтиёрсиз, ноиродавий ёндашишда намоён бўлувчи мойиллик юктириш ҳисобланиб, юктириш феномени мулоқотга ёки шахслараро муносабатга киришида фаоллик келтириб чиқаради ва уни ушлаб туради. Бир инсоннинг иккинчисидан таъсирланиши натижасида фаолликнинг юзага келиши, кечиши ва кучайиши умумийликни келтириб чиқаради, бири иккинчисини қўллаб-қувватлашга шароит яратади.

Мулоқотнинг назарий-методологик асосини Э. Холлнинг “Проксемика таълимоти”, М. Аргайлнинг “Интим муомала”, Дж. Брунернинг “Социал перцепция”, Бредвистлнинг “Семантик бирлик” назариялари ташкил қилади. Аммо бу соҳага оид бошқа йўналишлар, ёндашувлар ҳам мавжуд.

Илк ўспиринларда, айниқса ўзига ва атрофдаги одамларга нисбатан нотўғри муносабатнинг пайдо бўлиши, процессуал ва шахсга дахлдор фаолликнинг аста-секин пасайиши, ҳатто бузилиши асаб тизимининг тез дармонсизланиши, диққатнинг беқарорлашуви, хилма-хил руҳий фаолият турларида ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзгариши, ўзгаларга муносабат билдиришнинг қатъийлашуви тўғрисидаги маълумотлар билан қуролланиши илк ўспирин мулоқотчанлигини таъминлайди.

Илк ўспиринлик ёшида мулоқотчанлик сифатини шакллантириш учун оғзаки нутқ ривожига эътибор бериш, бунда шеър, ҳикоя ўқилиш хусусияти, ўз-ўзини баҳолаш, нафас олиш, пауза ҳамда ижро маҳоратини ривожлантириш лозим. Бунинг учун ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятида мазмун, ғоя, мақсад, сюжет асосидаги монологик нутқдан фойдаланишда гавдани тутиш, мақсадли ҳаракатлар, мимика, имо-

ишора, диққат, мантикий ифода тўғрисида машқни давом эттириш вербал ва новербал нутқни уйғунлаштиришга олиб келади, шу билан бирга бири иккинчисини тўлдириш оқибатида мулоқот яхлитлиги барпо бўлади.

Миллий мухитимизда “Сен” ва “Сиз” сўзлари ҳам бир оғиздан чиқиши тўғри тасаввур қилинади ва аждодларимиздан мерос сифатида қолган стереотипизацияга асосланиб фикрлар бошқа кишиларга узатилади. Бали сув билан тирик деганларидек, инсон инсон мулоқотга киришганлиги туфайли ижтимоийлашиб, ижтимоий тажрибаларни эгаллаб, камолга етиб борадилар. Бунинг асл маъносида одамларнинг ўзаро мулоқотидаги алоқа қуролининг ижтимоий сифатлари ва механизмлари ётади. Мулоқот ва шахслараро муносабат жараёнида илк ўспиринга нутқ маданиятига риоя қилган ҳолда, мазмунли ҳамда равон сўзлай олишни, ўзгаларга маълумот, ахборот ўзатишини, тескари алоқа орқали муайян хабар қабул қилишни ўргатиш даркор. Ўспирин мулоқотида бу хислатларнинг жам бўлиши билан биргаликда, сезгирлик, зийраклик, тезкорлик, ҳозиржавоблик, иболилик, ифбатлилик, самимийлик намуналарини курсата олиш бошқалар нигоҳида хушсурат, бетакрор тимсол яратади.

Ўспириннинг бошқа одамлар билан мулоқотга киришувида шаклланувчи шахснинг фазилатлари ва коммуникатив сифатлари жамоадаги кишиларнинг мулоқотига, фаолиятининг тавсифларига, ҳар хил хислатларига муҳим таъсир ўтказади.

Д.П. Кайдалов ва Е.И.Суименколар одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишини ва муомаласини баҳолаш учун “Шахсларни ижтимоий ахборот билан ўзаро бойитиш самараси” тавсифини киритишни тавсия қиладилар, бинобарин, мулоқот ҳар қандай аспект ёрдами билан бир-бирига ахборот ўтказиш якунининг мажмуасини билдиради.

Г.М.Кучинский ёндашувига кўра, бевосита мулоқот махсус фаолият ўрганилиши, унинг негизида фаолият назариясининг йирик вакиллари асари ётиши ўқтирилади. Бу назария ёритилишича, фаолият предмети ўзгартирилиб унинг маҳсулига айлантирилади. Фаолиятнинг предметлиги бу

ҳолатда унинг туб негизини англатувчи тавсия сифатида қаралади. Мулоқот фаолият ва унинг предмети тўғрисида 3 хил кўринишидаги тасаввур мужассамлашгандир;

- 1) Мулоқот катнашчиларнинг ўзини навбат билан талили;
- 2) Мулоқотдошларнинг ўзаро муносабати ёки таъсири;
- 3) Мулоқотдошларнинг ҳамкорлик фаолияти.

Кўпгина олимлар мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига тухталиб, унинг бир қатор вазифалари, функцияларини ажратиб курсатадилар. Масалан, таниқли рус олими Б. Ф. Ломовнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Маълумотлар алмашинуви функцияси;
2. Хулқ-атвори бошқариш функцияси;
3. Ҳиссиётлар алмашинуви функцияси.

Мулоқот муаммосини тадқиқ қилишда узоқ ва яқин чет эл психологлари асарларида ўз ифодасини топган жуда фойдали ва бой илмий материалларга асосланиши жоиз. Бу ўринда жаҳон психологияси мулоқот муаммоси тадқиқотнинг бошловчиларидан, экспериментал йўналишининг ёрқин намоёндаларидан бири бўлиши В. М. Бехтерев ижодиётини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

В. М. Бехтеревнинг жамоавий тажрибасида ва ижтимоий-психологик назариясида инсонларнинг бир-бирига ўзаро психологик таъсир этиши мулоқот муаммосида марказий уринни эгаллайди. В. М. Бехтерев ижтимоий ҳаётда, мулоқотнинг ролини тавсифлаб, унинг функцияларини механизми ва жамоавий субъектни шакллантириш сифатида ажратиб, индивидчал тажрибани сақлаб қолиш ва униавлодларга ўзатишнинг ижтимоий фадриятларнинг тарихий ворислигини таъминлашнинг шароити тариқасида талқин қилади. Унинг фикрича шахснинг одамлар билан алоқаси, мулоқотчанлиги хилма-хил бўлса, унинг тараққийти шунчалик муваффақиятли амалга ошади.

В.М.Бехтерев мулоқотни шартли равишда “Бевосита” ва “Билвосита” турларга ажратади. Билвосита мулоқотнинг таркиблари сифатида хат, телеграмма, телефон, тана аъзоларининг бир-бирига тегиши, эркаланиш, урилиш, ҳарорат ва электр қўзғаткичлари, ҳид стимуллари ва бошқалар киради. Унинг фикрича, кишилиқ жамиятида фикр алмашинувнинг энг қулай мулоқот усули нутқ ҳисобланади. Бундан ташқари, у буюмлар, тарихий ёдгорликларни ҳам мулоқот воситалари қаторига киритади. Бехтерев талқинига кўра, одамлар ўртасидаги мулоқот у ёки бу воситалари билангина эмас, балки улар ўзларининг ижтимоий маънодаги ўзаро таъсир, фаолият ва ҳаёт вазиятлари билан ҳам муайян даражада хизмат қилади, чунончи умумий турмуши, умумий иш, умумий фаолият, биргаликда кечирилган оғирликлар, турмуш нашидалари ўз моҳияти билан жамоанинг бирлашиши учун хизмат қилади.

Л.С.Выготский концепциясига биноан боланинг руҳий ривожланиши туғилшанидан эътиборан ижтимоийланиши қонуниятлар билан аниқланади, инсоннинг туғилишидан тортиб то бутун умр бўйи уни қуршаб турган борлиқ билан ўзаро таъсирида мулоқот муҳим уринни эгаллайди. Л.С. Выготский боланинг руҳий дунёсида ва ташқи хатти –ҳаракатида ҳал қилувчи қонуниятни қуйидагича изоҳлайди: “Боланинг шахсий фаоллигини намоён булишининг асосий йўли катталар билан мулоқоти ҳисобланади... Унинг ташқи оламга муносабати ҳамиша бошқа одам орқали муносабат билдирадилар”.

Л.С.Выготскийнинг нуқтаи назарича, онтогенезда генетик жиҳатдан бирламчи ўзаро таъсир, баҳс, диалогдир: иккиламчи эса, индивиднинг онги, руҳий жараёнларининг индивидуаллигидир. “Биз маданий ривожланишнинг умумий генетик қонунини мана бундай шаклда ифодалашимиз мумкин: боланинг маданий усишида ҳар қандай функция баҳоланиш учун икки марта, икки хил режада пайдо бўлади, аввал-ижтимоий, кейин-психологик, шунингдек, шахслараро интерпсихологик категория сифатида сўнг бола ички

дунёсида интрапсихологик категория тариқасида”-деган мулоҳаза қайд этилган.

Л.С.Выготский фикрича, белгиларнинг генези муомалавий вазиятдан бошланади, даставвал муомаланинг воситаси ҳисобланса, кейинчалик у халқ-автор воситасига айланади. Унингча, юксак психик функциялар асосида ётувчи белги механизмнинг ўзи ижтимоийликка турткидир. Ҳатто инсон якка қолганда ҳам мулоқот функциясини сақлайди. Лекин бу ўринда у мулоқот жараёни-бу илк онтогенезда белгиларни эгаллаш эканлигини кўзатиш имкониятига эга бўлмаган.³

В.Н.Мясищевнинг асарларида муносабатлар хусусиятларини аниқлашга кен урин берилган, қайсики улар мулоқотга киришувчи одамлар шахсининг асосий хусусиятларида намоён булувчи ақл, ҳиссиёт, ирода кабиларга таъир этади.

Тадқиқотчи одамлар билан муносабатга киришиши ва хулқ усуларининг шакллантиришнинг роли ҳақида мулоҳаза юритиб, улар таассуротларда ва кечинмаларда акс этишини алоҳида таъкидлайди ва атрофдаги кишилар ўзаро муносабатда аста-секин бойиб бориши уқтирилади. Ўзаро баҳолашда ва кечинларда муайян гуруҳга, этносга таалуқли камолот даражаси намоён бўлади. Сўз таъсирига мойиллик кўп жиҳатдан шахснинг ташқи таъсирларга берилиши даражасига, қайта ишонтириш қобилиятига боғлиқ.

Унинг фикрича, инсоннинг фундаментал эҳтиёжи унинг меҳнатга ва мулоқотга нисбатан муносабатда, шахснинг хусусиятлари, характери, майли, қобилияти бир томонлама таъсир этишда ривожланибгина қолмасдан, балки табиат, жисмлар билан икки томонлама ўзаро таъсирда сезиларли из қолдиради.

В.Н.Мясищев психикага мулоқотни таъсир этиш механизмлари, уларнинг ривожланишидаги ролини урганиш билан чекланиб қолмасдан,

³ Выготский Л.С. Сбр. Соч-М: 1983 Т. (3-1456).

балки мулоқот қатнашувчиларининг психик жараёнлари билан мулоқот ўртасидаги боғлиқликни очишга ҳаракат қилади.²

Муаллиф мулоқот ва неврозларнинг психотерапиясини ҳал қилиш юзасидан шундай ғояни илгари суради: “Инсон дарҳақиқат- бу ижтимоий жонивор ҳисобланса, ўз-ўзидан тушунарлики, ундаги неврозлар табиати ҳам, барча касалликлар ҳам ижтимоийдир”. У фикрини давом эттириб қуйидагиларни билдиради. “Неврознинг ижтимоий табиати деганда шу нарса кўзда тутиладики, неврознинг асосий ижтимоий хусусиятли низоларда ифодаланувчи кечинмалар ётади”. Низо-шахснинг кечинмаси бўлиб, ўзаро муросасиз бўлганқарашларнинг тукнашуви, муайян шахс учунмуҳим аҳамият касб этувчи муносабатдир. Невротик низолар илдизини нафақат кечинмаларнинг ўзидан қидирмасдан, балки шахснинг муносабатлари шаклланиш шарт-шароитларидан, яъни унинг учн энг нуфўзли ҳисобланган кишилар билан мулоқотга киришишининг индивидуал тажрибасидан ахтариш лозим.

Б.Г.Ананьевнинг таъкидлашича, мулоқот фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида талқин этилишида унинг алоҳида ва бош тавсифи бошқалар билан инсон муносабатларини мулоқот орқали амалга оширишдир. Б.Г.Анаев ушбу фикрни атрофлича таҳлиллаш учун, “Инсон билиш предмати сифатида” номли асарида қуйидаги мулоҳазани келтиради: “Инсон хулқи ижтимоий фаолиятлар кўринишларининг нафақат мураккаб комплекси сифатида намоён бўлади, унинг ёрдамида қуршаб турган табиат моддийлашади, у мулоқот шаклида ҳар хил ижтимоий тузилмаларда одамларнинг ўзаро амалий таъсири каби гавдаланади”.

Б.Г.Ананьев мулоқотнинг нутқли ва нутқсиз новербал воситаларидан ташқари, унинг ички томони- мулоқотдошларнинг бир-бирини билишга ажратади. Унинг таъкидлашича, мулоқот воситаси ёрдами билан бола даставвал катталар томонидан ташкил қилинадиган таълим ва тарбия актига қуйиладиган, сўнг у ўзини қуршаб турган воқеликни эгаллашга, идрок қилишга ўргана боради, ижтимоий ва предметли дунёда, жамиятда,

яратилган ашёвий операциялар усули ва шаклига биноан тўғри ҳаракат тарихий-ижтимоий тузум, муайян муҳит томонидан қабул қилинган ҳуқ-нормалари, эталонларига мослашишга интилади. Бу жараён биологик ва ижтимоий омиллар, мукамал таъсир ўтказиш ва маънавий воситаларни эгаллаш ҳамда ўзи намоён этиш орқали амалга оширади.

Ўспириннинг мулоқотчанлик хусусияти субъектлар билан ижтимоий алоқа ўрнатиш, тарбиявий вазифани бажариш билан бирга, у психик ривожланиш жараёнини ва инсон шахсининг ижтимоий камолотини туғридан-туғри аниқлайди. У ўспириннинг психик фаолиятини ва еамолотини тушунтириш учун ижтимоий алоқалар хусусиятига таъсир этувчи қонуниятни очиш мақсадида таълим- тарбия ва таракқиёт принципини илгари суради.

Б.Г.Анаёев педагогик муомала юзасидан баҳолаш таълимнинг психологик вазиятини яратиш имконияти мавжудлигини таъкидлайди:

А) ўқувчиларнинг ўзини-ўзибаҳолашда, унинг талабгарлик даражасида, ўқишга муносабатида;

Б) ўқувчилар орасида баҳоловчи ўқитувчи билан баҳоланувчи, сабоқ олувчиларининг ҳиссий зуриҳқиш майдонида;

В)ўқитувчи позициясидаги, унинг унинг нуфўзидаги кейинги даражасидаги ўзгаришда ва ўқувчиларнинг ривожи кўрсаткичидаги миқдор ҳамда сифат жабҳаларидаги янгиликлар моҳиятида ва бошқалар.

Б.Г.Анаёев мулоқотнинг имкониятлари ва маънавий тавсифини таҳлил қилиш орқали ўқитувчи қай усулда ўқувчиларга шундай вазиятлар ва шароитлар яратиш туғрисида, қачон уларда интелект фаоллашуви,ҳиссиёт стеник хусусият касб этиши, ироданинг мақсадга йуналганлиги ортиши муамоларини далиллаб курсатади. Б.Г.Анаёев мулоқотнинг сифати ва миқдорий оптимизминини қидириш жабҳасида оммавий ахборот воситаларини ва бевосита кундалик мулоқот муносабатларини инсонга таъсир даражасини аниқлашга интилади.

Б.Ф.Ломов бу масалани янада ойдинлаштириш мақсадида куйидаги мулоҳазани билдиради: “Мулоқот жараёнида ахборотларнинг ўзига хос “умумий фонд” сифатида тўпланиш, муаммо ечимининг ҳамкорлик стратегияси ва гуруҳ учунфаолиятнинг мумий услуби ўзаро таъсирнинг натижаси ҳисобланади, бунда шерикларнинг шахсий ҳиссалари муайян таарзда гуруҳнинг хусусиятига хос яхлитлик ташкиллашади ва интеграциялашади, аммо ўз навбатида ҳар қайси қатнашчини турлича детерминациялайди” гуруҳ аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатлар хусусияти гуруҳ фаолияти муваффақиятида акс эттирилади.

Б.Ф.Ломов билиш жараёнида мулоқот ва муносабатнинг аҳамиятини кўрсатиб, бу жараён “субъект-объект” даражасида эмас, балки “субъект-субъект” даражасида амалга ошганда юқори самара беришига диққатни қаратади. Б.Ф. Ломов раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотларда шахслараро муносабат ва мулоқотнинг билиш жараёнини кучайтирига сабаб топшириқларни бажариш давомида текширилувчиларнинг ўзаро маълумот алмашишлари, фаолиятга биргаликда режа тузишлари ҳамда бир-бирларини назорат қилиб боришлари эканлиги аниқланди бундай ўзаро ҳамкорлик натижасида сўзларни хотиради эслаб қолиш 97%га, сонларни эслаб 78%га ўсган.⁴

Рус психологи Б.Ф.Паригин мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида таъкидлаб, шудай ёзади: “Мулоқот шунчалик, кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида

- индивидларнинг ўзаро таъсиржараёни;
- бир шахснинг бошқа шахсга муносабти жарани;
- индивидлар ўртасидаги ахборот муносати жараёни;
- бир кишининг бошқаларга таъсир курсатиш жараёни;
- шахснинг бир –бирларини тушуниш жараёнлари” кабилар киради.

⁴ Ломов Б.Ф. “Проблема общения в психологии- М: Наука. 1981 (20-21б)

Мулоқотнинг турли шакллари ёки босқичлари мавжуд бўлиб, дастлабки босқичи инсон инсоннинг ўзи билан ўзининг мулоқот қилиши ҳисобланади. Мулоқотнинг иккинчи босқичи-бошқалар билан мулоқотда бўлишидир. Бу айнан кичик мактаб ёши ва усмирлик даврларга хосдир.

Рус психологи А.Н. Монтъев ўзининг “Психика тараққиётидан очерклар” номли асарида мулоқотнинг учинчи шакли авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти туғрисидаги шундай ёзади “Агар барча катта авлод утиб кетганда, инсоният тури йуқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг анча орқага сурилибгина эмас, балки йуқолиб ҳам кетиши мумкин эди”.

Ҳақиқатдан ҳам авлодлараро мулоқотнинг мавжудлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, фадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари унидоимо кейинги авлодлар учунсақлаб келадилар, ҳамда тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида униавлоддан-авлодга ўзатадилар⁵.

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини таҳлил қилганимизда, унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин.

1.3. Илк ўспиринлик ёшининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўспиринлик ёши даврига 14-15 ёшдан 17-18 ёшдаги болалар киради. Бу даврда ўқувчи жисмоний бақувват, мустакил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлади, маънавий жихатдан етукликка эришади. Ўспирин 16 ёшида мамлакат фуқароси ва 18 ёшида эса сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жихатдан вояга етиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади.

⁵ Рус психологи А.Н Монтъев “Психика тараққиётидан очерклар” асари (11-856)

Мавжуд шарт-шароитлар остида ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жихатдан ўсишига ўзига хос сифатлар ва фазилатлар намоён бўлади. Юқори синф ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишида фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларни илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний туйғуларнинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндошиш кучайишига олиб келади.

Ўспириннинг оилада, мактабда меҳнат фаолияти ортади, фанларни ўргатишда, касб-хунар танлашда ўспиринлар учун кенг имкониятлар яратиб берилган янги типдаги мактаблар, ўспиринларнинг мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касб-хунар коллежлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзланган мақсадларни амалга оширишга, аввало мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада шахс - комил инсонларни тарбиялаш ва вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Академик лицейлар ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, йигит ва қизларда илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига юксак, маънавий хис-туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга жиддий ёндошиш кучайишига олиб келади. Шундай фарзандларимиз борки, улар коллеж ва лицейларда таълим олиш жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорлари, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йуналтириш катта аҳамият касб этади. Жойларда ташкил қилинган ва қилинаётган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда ташкил этилган. Ташхис марказлари 9-синфни тамомлаган ёшларнинг иқтидорли ва лаёқатли, қизиқишларини ўз вақтида аниқлаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика қилишни амалга

оширади. Ўспиринлик даврида аввало ўзини англашдаги силжиш якқол кўзга ташланади - ўзининг рухий дунёсини, шахсий фазилатларини қобиляят ҳамда имкониятларини аниқлашга интилиш кучаяди, баъзан ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб манманлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, айрим Ўспиринлар эса аксинча, ўз имкониятларига паст баҳо камтарона тутишга ҳаракат қилади.

Ўспиринларнинг яна бир муҳим хислати – уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Аттракция (ёқтириш, ўзига жалб этиш) деб аталадиган хиссиёт пайдо бўлади (бу даврларда) ёқтиришдан то севги, муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқлик ҳам шу хис асосида пайдо бўлади: ижтимоий психологияда мазкур хиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлари – шерикларнинг битта макон ва замонда эканликлари, тез-тез учрашиб туришлари таъсирида пайдо бўлади ва ўспириннинг ўз-ўзини ҳурмат қилиши, бошқалар билан муносабатда тоқатлироқ бўлишига таъсир кўрсатар экан, ўспирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши катта тарбиявий аҳамияга эга.

Дўстлик ўспирин учун «алтер-эга» яъни иккинчи «мен» ҳисобланиб, у билан бирга дарду-хасратларини муҳокама қилади, одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади. Асосан 2 киши, баъзан 3-4 киши булиш мумкин. Дўстликнинг асосий шarti - ўзаро бир-бирини тушунишдир. Дўстлар гап-сўзлар ва юз ифодасидан тушуниб оладилар.

Дўстлик - бир-бирини аяш, ғамхурлик қилиш, қўллаб-қувватлаш, меҳр, хатоларни биргаликда тузатиш демакдир. Мана шу сифатлар ардоқланса дўстлик узоқ давом этади.

Ёш ўтган сари бу дўстлик юксак қадриятга айланади. Аттракция 2 кўринишдадир. У ўспиринни самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучлироқ қилади.

Дастлаб симпатия – ёқтириб қолиш босқичи, кейинчалик эса ҳақиқий севги пайдо бўлади. Баъзи ота-оналар бу даврдаги авждан чўчийдилар,

айниқса қизларга тақиқлайдилар ҳам. Севги – бу ёшлар учун дастлабки ҳаёт синови эканлигини англаб олишларига ёрдам бериш керак. Ўспирин йигит билан қизнинг ўзаро яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишлари, дидлари, ниятларининг умумийлиги билан характерланади. Ўспиринларда билимга қизиқиш амалий хусусият касб этади. Сезгирлик, кузатувчанлик такомиллашиб боради. Мантикий хотира етакчи роль уйнайди, тафаккур фаол, мустакил ва ижодий хусусиятга эга бўлиб боради, лекин барча фаолият босқичида ҳам мустакил фикр юрита олмайдилар. Ҳозирги даврда таълим олдидаги муҳим вазифа ҳам ёшларда мустакил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Дарсликлар, адабий асарлар, вақтли матбуот, телевидение ва радио орқали берилаётган маълумотлар мунозара ва баҳс, дарсларни янги педагогик технология асосида ўтиш орқали бунга эришиш муумкин.

Илк ўспиринлик даври камолот бусағаси деб таърифланади. Бу камолот босқичи физиологик, психологик ва ижтимоий чегараларни ўз ичига олади. Психология фани ўспиринлик муаммосини комплекс ўрганишни даъват этади.

Бу жуда қийин масала, чунки психофизиологик тараққиёт суръати билан унинг фазалари ижтимоий етилиши муддати билан ҳамма вақт ҳам туғри келавермайди. Акселерация натижасида бугунги болаларимиз тараққиёти икки-уч аввалги авлодга нисбатан ўртача икки-уч йил олдин тугалланмоқда. Физиологлар бупроцесни 2чи даражали жинсий белгиларнинг пайдо булишига қараб 3та фазага ажратадилар:

I фаза - препуберитант.

II фаза- пуберитант.

III фаза - постпуберитант.

Ёш психологияси ўспиринликнинг ёшини I-II фазалар билан боғлаб келар эди. Акселерация муносабати билан ўспиринлик ёши чегараси энди 15-16 дан 18 ёшгача бўлмоқда. Демак, ўспиринлик ҳам олдин бошланади. Лекин бу тараққиёт этапининг конкрет мазмуни 1чи навбатда

ижтимоий шароитлар билан белгиланади. Ёшларнинг жамиятда тўтган ўрни, уларнинг маънавий, у эгаллайдиган билимлар ҳажми ва бир қатор бошқа факторлар ижтимоий шароитларга боғлиқдир.

Илк ўспиринлик ёшида болаларнинг буйнинг ўсиши ўспирин қизларда 15-16 ёшгача, ўғил болаларда 17–18 ёшга довоми бўлади. Бу ёшда мускуллар кучи тез ўсади. Масалан: 16 ёшли бола мускул кучи 12 ёшли болага нисбатан 2 баравар ортиқ бўлади. Жисмоний тараққиёт асосан барчаси тўғри овқатланиш режимига ва жисмоний тарбия билан шуғулланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жинсий тараққиёт жиҳатдан бу ёшдаги кўпчилик йигит ва қизлар постпубертат (тугалланувчи) давра бўлади. Буларнинг жисмоний ривожланиши катта ёшдаги одамнинг жисмоний ривожланишдан кам фарқ қилади. Буйнинг ва организмнинг нотекис ўсиши ва ривожланиш даври тугалланади. Ҳамда жисмоний ривожланишнинг нисбатан бирмунча текис даври бошланиди. Ўспиринлик ёшида жисмоний сифатлар (буй оғирлиги) нисбатан барқарор даражага етган бўлади. Шунингдек, мускул кучи ва ишчанлик қобилияти сезиларли даражада ортади. Кўкрак қафасининг ҳажми кенгаяди, скелет, найчасимон суяклар қаттиқлашади, туқималар ва аъзоларнинг шаклланиши ва функционал тараққиёти тугалланади. Одатда ана шу ёшда юрак ва қон томирларнинг ривожланишида ўспирларга ҳос бўлган нотекислик энди текислашади, қон босими бараварлашади, ички секреция безлари бир меъёрга ишлай бошлайди. Бу ёшда нерв системасининг ва хусусан миёна ривожланишида ўзгаришлар маълум бўлиб қолади. Лекин бу ўзгаришлар миёна массасининг ортиши ҳисобига эмас, балки миённинг ички хужайралари тузилишининг мураккабланиши ҳисобига руш беради. Бош миёна пусти қисмларини ассоциатив туқималарнинг миқдори кўпаяди. Натижада ўқиш ва меҳнат жараёнида катта {ярим шар} қатламининг аналитик синтетик фаолияти мураккабланишади. Жинсий етилиш муддати ирқий ва миллий хусусиятларга ва иқлимга боғлиқ бўлмайди.

Илк ўспиринлик даврини иккинчи ўтиш даври деб ҳисоблаш мумкин.

Агар биринчи ўтиш давридаги кўпроқ болаликка яқин бўлса, иккинчи ўтиш даврида бўлган ўспирин кўпроқ ёшлик даврига яқиндир ва шу жихатидан ўрганилади, ҳамда тадқиқ этилади. Илк ўспиринлик даври асосан унда мустақил ҳаётнинг бошланиши билан (ўрта мактабни тамомлаб лицей, коллежларга кириши) характерланади. Ҳаётдаги бу ўзгаришлар илк ўспиринлик шахсига, уни ўз –ўзини англашига тўлиқ таъсир курсатади. Ўспирлардан фарқли улароқ илк ўспиринлар катта ҳаётни тасаввур этмайдилар, балки унда иштирок этадилар.

Унинг нафақат мустақиллиги ортиши билан бир қаторда катталарнинг унга муносабатлари ҳам ўзгаради. Катталар ўсмирга кўпроқ бола деб карасалар, илк ўспирин ёшдагиларга катта одамдек муносабатда бўладилар. Илк ўспиринлар ҳаётда ўз ўрнини топишга нисбатан интилиш англаган ҳолатида бўла бошлайдилар. У ўз ҳаётий режаларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлайди ва маълум бир касбни эгалай бошлайди ёки шу соҳа бўйича академик лицейларда ўқишини давом эттиради. Ўспиринлар танлаган соҳалари ёки касбларида жуда катта янгиликлар, кашфиётлар қилгилари келади, лекин аста-секинлик билан янгилик ва кашфиётлар қилиш учун уларда билим ва тажриба етишмаётганлигини ва бунинг учун кўпроқ ўқиш ва ўрганишлари кераклигини англай бошлайдилар.

Ўспирин бола билан катта одам ўртасидаги оралик мавқени эгаллайди. Боланинг жамиятда тўтган ўрни катталарга боғлиқдир, катталар уларга ҳаёт фаолиятининг асосий мазмун ва йўналишини белгилаб берадилар. Боланинг бажарадиган роли катталар ролидан сифат жихадан фарқ қилади. Ҳаёт фаолияти мураккаблашган сари ўспиринларда ижтимоий роллар кенглиги фақат миқдор томондангина кенгайиб қолмай, балки сифат томонидан ҳам ўзгариб боради. Мисол учун: 16 ёшда паспорт олади. 18 ёшидан фаол сайлаш ҳуқуқига ва оила қуриш имкониятига эга бўлади. Ўспирин жиноий ишлар учун жавобгар бўлади. Баъзи ўспиринлар у ёшдан бошлаб ишлай ҳам бошлайдилар. Касб танлаш ҳақида уйлай бошлайдилар. Лекин шунга қарамай ўспиринларда катталарга қарамлик

хусусиятлари сақланиб қолади

Ўспиринлар (16 –18 ёшлар) ўзларининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёш даврдаги болалардан кескин фарқ қиладилар жисмоний, ҳам ақлий жihatдан вояга этган, камолотга эришган, дунёқараши, ўз –ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топган бўлади. Шу туфайли улар вазмин, мулохазали бўладилар, катта ёшдагиларга ҳурмат – эҳтиром билан қарайдилар. Улар узоқни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, ота –оналарининг яқин ёрдамчисига айланадилар. Ўқув фаолитяи ўспириннинг асосий фаолияти бўлиб қолаверади, лекин ўқишга нисбатан фақат ўсмирлик ёшига қараганда ўспиринликда бир мунча юқорироқ бўлади. Мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўз –ўзини англаш билан мотивлар бу даврда етакчи ўринни эгаллайди. Мотивлар тизимида жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилиш инсонларга наф келтириш каби ижтимоий мотивлар устунлик қилади. Бу даврда ўспиринларнинг келгуси ҳаётий ва танлаётган касбий режаларига кура фанларга нисбатан қизиқишлари ҳам ўзгаради ва бу ўз навбатида ўспириннинг фанларга, ҳамда шу фан ўқитувчиларига нисбатан муносабат ҳам ўзгаради. Ўспиринлик даврида ўз кўзлаган мақсадларига эришишга асосланган мотивлар биринчи ўринга кўтарилади. Ўспирлар ўзларининг ўқишга бўлган муносабатлари ва уларнинг ўқиш-ўрганишга ундовчи сабабларни яхши англайдилар. Ўспиринлик ёшида бошдан кечириладиган ҳис туйғуларнинг бойлиги, ҳилма –ҳиллиги билан, ҳаётнинг турли томонларига эмоционал муносабатда бўлиш билан ажралиб туради. Ахлоқий ва ижтимоий сиёсий ҳисларнинг ривожланиши айниқса характерлидир. Улар одатда муайян ахлоқий талаблар билан ўзаро тўғри муносабатда бўладилар. Бошдан кечирган ҳис туйғуларни англаб етиш маҳорати ҳам ривожланади. Ўспиринлик ёшида ўқувчиларда ўртоқлик ҳиссининг ривож топиши характерлидир. Россия психологлари И.В.Страхов билан А.Л.Шнирман тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўспиринлик ёшидаги дўстлик ўсмирлик ёшидаги дўстликдан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади.

1) Ўспиринларда дўстлик мотивлари анча чуқурроқ бўлади. Буларда-ошкоралик, ўзаро ишонч, талабчанлик, садоқат, биргаликда доимий ёрдам кўрсатиш, камчиликларни тугатиш, дўстига ердам бериш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳ.о.

2) Дўстлик ҳислари анча сермазмун бўлиб, қизиқишлар ва фаолиятнинг жуда кенг доирасини қамраб олади.

3) Дўстлик анча эмоционал бўлади яъни дўсти кечириётган ҳисларга жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлади.

Ўспиринлик ёшидаги дўстлик кўпинча бутун умр бўлиб давом этади. Ўртоқлик муносабатлари коллективни жинслаштиришга ёрдам беради, унинг ҳаётий фаолиятини оширади. Ёнингда ўртоқнинг борлигини ҳис қилишнинг ўзиёқ қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Ўспиринлар дўстлик, самимийлик эмоционал софдиллик каби ҳислатларни биринчи уринга қўйишади. Дўстлар бир-бирлари билан юракларини бушатадилар. Дўстларга самимий меҳрибонлик шахсининг рефлексивлик даражасига, ҳамда унинг эмоционал ҳаёт хусусиятларига боғлиқдир. Ўспирин ҳамма вақт ростгуй, самимий бўлишни истайди.

Ўспиринлик ёшида алоҳида бир ҳис-севги пайдо бўлади. Бу мактаб ўқувчисининг эмоционал ҳаётида мутлақо янги бир ҳолат бўлиб, ҳисобланади. Ўспиринлик севгиси одатда соф, покиза, беғубор, ҳилма-ҳил кечинмаларга бой, мулойимлик, ҳаёлга беришиш ва самимият белгиларига эга бўлади. Йигит ва қизларимизнинг севгини бошдан кечиришида бир-бирларини ҳурмат қилиш, дўстлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини тушуниш каби ҳислатлар характерли бўлиб, улар бир-бирларидаги юксак маънавий сифатларни қадрлайдилар. Йигит ва қиз болалар ўртасидаги муносабатлар Ўспиринлик ёшида фаоллашган бўлади. Ўртоқларга муносабатлар доираси кенгаяди. Айниқса қизларда аралаш дўстлик эҳтиёжлари кенгаяди. Дастлаб болаларга хос содда севишлик 16-17 ёшда биринчи жиддий мойиллик ва қаттиқ севги эҳтиёжлари кўрина бошлайди. Икки жинс ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўспиринларда севги ҳиссининг бир қанча ҳолатларга боғлиқ. Биринчидан – жинсий етилиш, иккинчидан – ишонадиган, суянадиган ва ҳар қандай нозик масалалар бўйича гаплашиш мумкин бўлган дўстга эҳтиёж, учинчидан – бу табиий инсоний эҳтиёж ҳисобланиб инсон кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қилганида кучли эмоционал боғлиқликга интилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича бундай туйғу кучайган шаклда биринчи бора асосан илк ўспиринлик даврида юзага келади. Илк ўспиринлар ёлғиз бўлишни истамаганлиги учун ҳам ўзлари фаол равишда ўзаро яқин мулоқот, бир – бирлари билан интим муносабатни излайдилар. Баъзан ўспиринлар бу ҳисларга шунчалик берилиб кетадиларки, бошқа нарсалар мавжудлиги ҳақида мутлақо унутиб қуядилар. Бу даврда ўспиринларда севиш мумкин бўлган қиз ёки йигит идеали пайдо бўлади ва кўп йиллар даврида бу идеал сақланиб туради. Ўспиринлар тасаввуридаги идеал кимнидир ёқтиришига, севишига туртки бўлади. Ўспиринларнинг идеал образлари баъзан реал бўлмайди, яъни улар ҳеч кимни «унга» ўхшатмайдилар. Бундан эса уларда ишончсизлик ҳамда ёлғизлик ҳисси ҳам юзага келиши мумкин. Илк ўспиринларга шу мавзуда бадиий адабиётлар ўқиш, кинофилмлар, театрлар томоша қилишни тавсия этиш, ҳамда турли суҳбатлар ўтказиш, уларга ўзларини келгуси ҳаётларини ўзларига мос турмуш ўртоқлар топиш масаласига жиддийроқ ёндашишларига ёрдам беради.

Юқори синф ўқувчиларнинг билиш жараёнлари турли ҳил нуқтаи назарларни таҳлил этишга ва бу масала бўйича ҳар томонлама ўйлаган ўз фикрини беришга ёрдам бера олади. Бу ёшдаги ўспиринлар атрофдаги турли воқеа – ҳодисалардаги ҳақиқатни билишга интилади. Уларнинг тайёр ечимлар, тайёр маълумотлар эмас, балки шу ечим ва маълумотларни ўзлари мулоҳаза юрғизиб қидириш жараёнининг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Бу борада турли масалалар бўйича баҳс ва мунозаралар юритишга ва уларнинг фикрларини исботлашга жуда қизиқадилар. Ўспиринлик даврида билиш жараёнининг ривожига фаол равишда давом этади. Лекин бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Бу

даврга келиб ўспиринлар тула равишда мантикий тафаккур эта оладилар, назарий фикр эритиб ўзларини –ўзлари таҳлил эта оладилар. Улар энди бемалол ахлокий, сиёсий ва бошқа мавзуларда бахслаша олиб ўз муносабатларини билдира оладилар. Ўспиринлик даврида болалар жуда кўп илмий тушинчаларни ўзлаштириб, улардан турли масала ва муаммоларни енгилда фойдалана оладилар. Болаларда англаш ва ўз –ўзини англаш сезиларли даражада ўсади. Ўспириннинг ўз –ўзини англаши ўқув, меҳнат ва мулоқот мотивацияларини ўзгаришида ўз аксини топади. Бу даврга келиб болада янги фаолиятлар юзага келиб психик ривожланишида янги босқич бошланади.

Ўспиринлик ёши ўқиш, меҳнат, мулоқот сингари етакчи фаолиятлар асосида умумий ва махсус лаёқатларининг ривожланаётганлиги билан характерланади. Ўспиринлик даврида билиш жараёнларининг ривожланиши фаол равишда кечади. Лекин бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Ўспиринлик даврига келиб жуда кўп болаларда ўз фаолиятларини олдиндан режалаштириш лаёқати яхши ривожланган бўлади. Шунингдек, ўз –ўзини бошқариш ҳам ўспиринлик ёшидаги болаларда яққол кўзга ташланади.

Ўспириннинг ўқув машғулотида муносабати ўз хусусияти ва мазмуни жиҳатидан бошқа ёшдаги ўқувчиларнинг таълим жараёнига муносабатидан тубдан фарқ қилади. Ўқув режаси ва дастурнинг мураккаблашуви, янги фан ва мавзуларнинг киритилиши ўзлаштирилиши назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақазо этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради, улар айрим фанларга танлаб муносабатда бўла бошлайдилар. Ўспирин ўқувчиларнинг ўқув фанларига муносабатлари қуйидаги ҳолатларга боғлиқдир:

1. Фаннинг дунёқарашдаги ролига.
2. Фаннинг билишдаги аҳамиятига.
3. Фаннинг ижтимоий аҳамиятига.
4. Фаннинг амалий аҳамиятига.

5. Фаннинг ўзлаштириш даражасига.

6. Фаннинг ўзлаштириш услубиётига

Ўспиринлик даврида билишга оид қизиқиш кўлами тобора амалий хусусият касб эта бошлайди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий масалаларга, техника, табиатга, осмон жисмларига, спорт ва ҳоказоларга қизиқиш кучаяди. Ўспиринларда сезгирлик, кузатувчанлик, янада такомиллашиб боради, мантикий хотираси, эса олиб қолишининг оқилона йўл, воситалари эса таълим жараёнида етакчи вазифани адо эта бошлайди. Мазкур паллада ўспиринларнинг тафаккури тобора фаол, мустақил ва ижодий хусусият касб эта бошлайди. Тафаккур ривожланиши билан биргаликда ўқувчиларнинг нутқ маданияти ривожланади. Ўспирин у ёки бу ҳилдаги, турли жанрдаги адабий асарларни уқиш, тушуниш орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш ва мунозарага киришишга урганиб боради. Ўспиринлик тафаккурининг сифатига унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги кабилар киради. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда ўспирин онгида теvarак-атрофдаги воқеилик тўғрисида қанча миқдорда мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар жой олганлиги назарда тутилади. Тафаккурнинг чуқурлиги деганда эса моддий дунёдаги нарса ва ходисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари сифатлари, уларнинг ўзаро боғланиш ва муносабатлари ўспириннинг фикрлаш фаолиятида тўлиқ акс этганлиги тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги сифатлари билан мунтазам боғлиқ бўлади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда ўспириннинг шахсий ташаббуси билан ўз олдида янги вазифалар қўя билиши, бу вазифаларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, оқилона усуллар билан мустақил ҳал қилиш ўқувчанлигини тушуниш керак. Тафаккурнинг тезлиги қуйилган саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади. Айрим қиз ва йигитлар ақлий ривожланишдан орқада бўлиб, ўқув материалларини ўзлаштиришга улугрмайдилар ёки қийналадилар, улар теvarак атрофдаги воқеликни билиб олиш мақсадида умумлаштирувчи тушунчалардан фойдаланигани

билмайдилар, чунки бу тушунчалар, хулосалар, фикрлар, ходиса ва фактларни тадқиқ қилишни ёдлаб оладилар. Болаларни ақлий жихатдан ривожлантириш учун уларнинг ўқиш фаолиятларини фаоллаштириш ва уларнинг билимларини онгли равишда ўстириш керак. Таълимда онглилик ўқувчининг юқори даражасидаги фаоллиги билан таоминланади. Билимларини фаол фаолият кўрсатиб ўзлаштирганда, ўқувчилар бу билимларни яхши тушунибгина қолмай, уларни амалий фаолиятда қўллашга ҳам ўрганадилар. Г.Е.Залесский ўқувчиларга ижтимоий масалалар–иқтисодий ҳамда ижтимоий фактлар ва ходисаларни мустақил равишда илмий таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш усулларни махсус ургатиш жуда ҳам муҳим ва зарур эканлигини тадқиқот асосида курсатиб берган. Бу уринда ҳам асосан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштиришга, тўғри раҳбарлик қилган ҳолда танишиш лозим. Ўспиринларнинг ақлий жихатдан ривожланишида назарий тафаккурнинг роли каттадир. Ўспирин адабиёт асрларни ўқиш ва тушунтириш орқали мустақил фикрлаш, мулохаза юритиш ва мунозараларга ургана боради. Унда аста секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қараши шаклланади. Маълумки, шахснинг ана шу фазилатлари унда фикрлаш, мустақил уйлаш туғри ҳукм ва хулосалар чиқариш, қатъий қарорга кела олиши натижасидир. Ўспиринларнинг адабий асарни баҳолаши, у ҳақда шахсий фикрларни билдириши, муаммонинг томонлари юзасидан бахслашуви инсоний ҳислатларнинг муайян даражада иштирок этишни ақл танқидлигининг айнан ўзгинасидир. Турмушда учрайдиган ноўрин танқидийлик эса ўспириннинг бадиий диди ва ҳаётий тажрибаси заифлигидир. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчилар тафаккуридаги танқидийликни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқеликка одилона оқилона танқидий нуқтаи назардан қарашни ўргатишдан иборат. Ўспиринларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулохазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақл танқидийлигининг ривожланиши ўқув

материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, воқеликни исботлаш ва асослаш кўникмалари таркиб топишига имкон яратади. Ўрганилаётган ходиса тўғрисида ҳукм ва ҳулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожланади. Ўспирин қобилияти ва истеъдоди таълим жараёнида, меҳнат фаолиятида ривожланади. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёнига кўшилиб кетади. Демак мактабда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, реферат, конспект ёзиш каби фаолият турлари ўспиринлар ўзлаштириш учун зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади. Буларнинг барчаси илмий –назарий тафаккурнинг шаклланишига, теварак атрофдаги воқеликнинг умумий қонуниятларини ўсишига ақлий имкониятларини вужудга келишига табиат ва жамият ривожланишининг қонунларини англашга муҳим шарт –шароит яратади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики ўсмирлик ёшида ўқувчилар ақлий фаолиятнинг омиллар ва усуллари билан қуролланган бўладилар.

Шунга кўра ҳар ким қобилиятига яраша касб-ҳунар танласа, бу соҳада муваффақиятли меҳнат қилса, ижтимоий турмуш тараққиётига муҳим ҳисса қўшган бўлади. Ўспиринларни касбга йўналтиришда уларнинг ҳис-туйғу ва иродаларини ҳисобга олишнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Чунки ўқувчиларнинг ҳис-туйғуси, кайфияти, хаяжонли ҳолатларда эътиборга олинмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ўспиринлар у ёки бу касбни ўз ихтиёрлари билан онгли равишда танлашлари учун улар мустақиллик, далиллик, қатойилик, ўзини тута билиш, чидамлилиқ, сабр-тоқат каби умуминсоний ҳислатларга эга бўлишлари керак. Меҳнат қилишда муқаддас бурчни бажариш истаги, мақсаднинг аниқлиги, ҳунар урганишга иштиёқмандлик мазкур фазилатларнинг шаклланишига ижобий таъсир курсатади.

Ўспиринлар ақлий риволанишда тасаввурнинг аҳамияти жуда катта, чунки инсон бирон бир ишни қилишга киришар экан, албатта унинг

натижасини тасаввур эта олиши керак. Тасаввурсиз ҳеч қандай ишни туғри режалаштириш мумкин эмас. Ўспиринда тасаввур қила олиш лаёқати яхши ривожланган бўлсагина, у ўз ҳаётидаги идеални тасаввур эта олади. Ва шунга кура узоқ ва яқин режаларни тузади.

Ҳозирги йигит ва қизларни 30 –40 йил аввалги тенгқурлари билан солиштирганда уларнинг умумий савиялари нақадар усганлигини кўриш мумкин. Интеллектуал қизиқишлар доираси кенг ва кўпқирралидир. Радио, телевидение, илмий –оммабоп асарлар, кинофилмлар, фан ватехника тараққиётида муҳим рол ўйнамоқда. Лекин Ўспиринлар қизиқишлари аксарият ҳолларда ўз танлаган касб ва йуналиш шунингдек, ҳаётий режаларига асосланган бўлади. Ўспиринлик ёшига келиб йигит, қизларнинг дунёқарашлари юксак поғонага кўтарила бошлайди. Бу эса Ўспириннинг ташқи оламни тушунишига, баҳолашига бўлганмуносабатларини аниқлашга ёрдам беради. Ўспиринлар дунёқараши энди уларнинг илмий, фалсафий, сиёсий ва диний қашарлари тизимидан иборатдир.

Ҳаётда турли ҳил касблар мавжуд. Бир одам бир неча ҳил касбларни эгаллаши мумкин, лекин шу билан бирга ҳар бир касб шу қадар мураккабки инсон ўз ҳаётини асосан ана шу бир касбга бағишлаши мумкин. Шу асосда касб танлаш муаммоси вужудга келади. Аслида касб танлаш барча давридан бошлаб, болаларнинг ролли уйинларида кўринади. Демак бола ўйин орқали тўла касблар ва шу фаолият билан таниша бошлайди. Масалан: «магазин» ёки «бозор» уйини орқали бола ҳам «сотувчи» ҳам «харидор» бўла олади, «пул» ва «товар» билан муомила қилишни урганади. Бу босқични касб танлашга тайёргарликни бошланиш босқичи деб аташ мумкин. Кейинги ёш даврларда бу тайёргарлик турли фаолиятларда ва турлича кўринишларда давом этади. «Мен ким бўламан?» саволига тўқнаш келади. Маълум бир касбда фаолият курсатишни бошлаётган Ўспирин унга интеллектуал, ижтимоий –психологик ҳамда ахлоқий жихатдан тайёр булиши керак.

Ўсмирлик даврининг охирлари ва ўспиринлик ёшига келиб, уларда меҳнат кўникма ва малакалари ривожланади. Бу кўникма ва малакаларидан уларнинг

келгусидаги касбий фаолиятлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Тажрибаларнинг кўрсатишича, агар ўспиринлик даврига келиб унда келгусида яхши касбий лаёқатларни юзага келишига умид боғлаш қийин. Мисол учун болалик пайтларида техника билан муомила қила олмаган, слесарлик асбоб –ускуналаридан фойдалана олмаган, ўз қули билан ниманидир бажара олмаган бола талантли инженер конструктор бўлиб етиши анча мушкул ёки лицей ва коллежларда математик, лингвистик, бадий – ижодий лаёқатларини курсата олмаган бола катта булганида ҳеч қачон кучли математик, филолог ёки мусавир бўлиб етиша олмайди.

Ҳар қандай касбий куникма ва малакаларнинг усиши аввало ўспирин интелектининг умумий ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу даврдаги ўспиринлар интелектининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бу ёшдаги болаларга мулоқотга киришиш эҳтиёжининг мавжудлиги ҳам жуда муҳим, лекин у етакчи эмас, фақат танлаган касб ва йўналишлари бўйича машғул бўлмаган ўспиринларгина кўпроқ тенгдошлари билан мулоқотда бўлишига эҳтиёж сезадилар. Бу ёшдаги болалар меҳнат фаолияти билан худди катталардек шуғуллана оладилар. Илк ўспиринлик даврини касбий билим, куникма ва малакаларнинг шаклланиши учун сензитив давр деб ҳисоблаш мумкин. Ўзининг касбий тақдирини тасодифан ёки нотўғри этилиши мураккаб ички кечинмаларга, иккиланишларга, зиддиятларга олиб келиши мумкин. Бу эса йигит ва қиз ҳаёти учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради. Касб танлаш вақтида илк Ўспиринлар ўз мойиллиги ва қобилиятларини шахсий сифатлар, хусусан нерв системаси типи, анализаторлар хусусияти эмоционал –идоравий сифатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур.

Ўспиринларни ҳали тўла катта деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки уларнинг шахсий хусусиятлари ҳали болаликни кўзатиш мумкин. Бу уларнинг фикрларида бераётган баҳоларида, ҳаётга ва ўз келажаклари муносабатларида кўзга ташланади. Кўпчилик ўспиринлар мактабни тугатиш

вақтига келиб ҳам касб танлашга нисбатан маъсулиятсиз ёндошадилар. Бу давр ўспириннинг ахлоқан ўз-ўзини англаши шунингдек, ахлоқнинг янги босқичига ўтиши билан характерланади. Интелекти яхши ривожланган ўспиринлар катталарни ташвишга солаётган масала муаммоларини тушина оладилар ва уларни муҳокама эта оладилар. Ўспиринлар жуда кўп муаммоли саволларга жавоб уйлайдилар. Уларнинг диққатини кўпроқ ахлоқий масалалар тортади. Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ахлоқий масалаларни ечиш манбаи –бу улар учун ўқитувчилар бўлса, ўспирлар бу саволларга жавобни кўпроқ тенгдошлари даврасида кидирадилар. Ўспирин ёшдагилар эса саволлага тўғри жавобни топишда кўпроқ каттга кишилар фойдаланадиган манбаларга мурожаат этадилар. Бундай манбалар асосан реал, кўп киррали, мураккаб инсоний муносабатлар ва илмий – оммабоп бадиий, публицистик адабиётлар, саноат асарлари, матбуот, радио, телевидение бўлиб ҳисобланади. Бугунги ўспиринларга ҳаётга нисбатан хушёр, ақлий –амалий қараш, эркинлик ва мустақиллик ҳос. Улар ҳаққоний бўлиш тушунчасига ҳам реал тарзда ёндошмоқдалар. Масалан ўтган йиллардек «ҳаққонийлик бу ҳаммага бир хил эмас, балки ҳар кимдан имкониятига қараб ва ҳаммага ишига ёки инсон манфааталрига қўшган ҳиссасига қараб белгиланади» деб тушунадилар ва талқин этадилар. Мактабни тугаллаш вақтига келиб жуда кўп ўспирлар ахлоқий жихатдан шакилланган ва маълум ахлоқ нормалари қатъийлашган хусусиятларга эга бўладилар.

Ўспиринларда ахлоқий дунёқараш билан бир қаторда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, динний ва бошқа сохалар буйича маълум бир қарашлар вужудга келади. Жуда кўп йиллардан бери ўспиринларни яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ноқонунийлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик масалалари ташвишлантириб келади. Ҳозирги давр ўспиринлари ҳар бир нарсага ишонувчан ёки салбий муносабат ҳос бўлмай, балки ҳаётга реал, ақлий, амалий қарайдиган, кўпроқ эркин ва мустақил бўлишга интилуви ёшларидир.

Ўспиринлар онгли равишда эгалланган ахлоқ нормалари асосида ўз хатти-харакатларини йўлга солишига интиладилар. Бу эса, аввало ўспирининг ўзини англашининг усишида намоён бўлади. Ўзини англаш мураккаб психологик структура бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: Биринчидан болада ташқи оламдаги предмет таъсиридан пайдо бўлган сезгилари ўз танаси билан фарқ қила бошлаганда вужудга келади. Иккинчидан ўзининг шахсий "Мен" лигини актив фаолияти асосида англаши. Учинчидан ўзининг психик хусусияти ва ҳислатларини англаши. Туртинчидан ижтимоий, ахлоқий ўз-ўзига баҳо беришнинг маълум системасини англаши. Мана шу элементларни барчаси бир-бири билан функционал ва генетик боғлагандир. Лекин буларни ҳаммаси сизга маълумки, бир вақтнинг ўзида шаклланмайди. Боланинг «мен» лигини англаши тахминан 3 ёшда пайдо бўлади, бунда бола шахсий олмошни ишлата бошлайди. Масалан: мен, меники, мендан ва ҳ.о. ўзининг психик сифатларини англаш ва ўз-ўзига баҳо бериш Ўспиринлик ёшида, борган сари кўпроқ ахамият касб эта бошлайди.

Ўспиринлар ҳар жойда ўзини кўрсатиш хусусиятига эга бўлган ўсмирлик вақтидаёқ, ўзларининг шахсий хусусиятларини кўзата бошлайдилар. Яъни ўзларининг ташқи қиёфаларига танқидий қарай бошлайдилар: бўйининг пастлиги ёки аксинчаси семизлик, юздаги хусинбузарлар йигит ва қизларни безовталантиради, улар изтироб чекадилар. Кеч етиладиган уғил ва қизлар яширин кечинмалар кечиладилар. Кишининг ўз образи—бу ўспиринликнинг ўзини англаши анча муҳим компонент бўлиб ҳисобланади.

Ўспиринликда ўз шахсий ҳислатларига баҳо бериш кучаяди. Ўспирин ҳам ўсмир сингари ўз қимматини нималарни қилишга арзиши ва нималарга қодир эканлигини бениҳоя билгиси келади. Ўзига баҳо бериш 2 усулда бўлади. 1. Киши ўзи қулга киритган ютуқлари натижаси билан баҳолайди. Масалан: Бола қийин вазиятда ўзини йукотмайди ёки ёш

болани ёнгиндан қутказди -"Мен қўрқоқ эмасман" дейди. Маълум қийин топшириқни бажарди. «Мен кобилиятлиман»- дейди.

2. Ижтимоий таққослаш, яъни ўзи хақидаги бошқа ишларни фикрларни солиштиришдан иборатдир. Масалан: ўқувчилар томонидан "мардлик" деб маъқулланган хатти-харакатни ўқитувчи "қалбаки ўртоқлик" деб айтади. Бунда болалар ўз хатти-харакатлари тўғрисида уйлаб, бош қотира бошлайдилар. Шахсий "мен" образи, жуда мураккабдир. Хатто катталарнинг ўзини англаши қарама қаршиликлардан холи эмас. Ўспиринларда янада кучлироқ бўлади. Баъзи ўспиринлар ўзини кузатиш учун кундалик дафтарлар тутати. Бу ҳолат кизларда эртароқ ва кўпроқ учрайди. Бу ҳолат шунчаки усишни билдириб қолмасдан, балки шахсда мохият жихатидан тубдан бошқача тарзда ўз шахсиятининг маонавий –рухий фазилатларини, ижтимоий турмуш тарзи мақсад ва вазифаларини англаш, уларни оқилона баҳолаш заруратини акс эттиради. Ундаги ўз –ўзини англаш турмуш, яшаш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақазси билан намоён бўлади. Ўқув муассаса микромухитидаги одатланмаган вазият, шахслараро муносабатлар ва муомала куламининг кенгайиши ўзига ҳос типологик ақлий, ахлоқий, иродавий, хиссий хусусиятларини оқилона баҳолаш, қуйилаётган талабларга жавоб бериш тариқасида ёндашиш ўз-ўзини англашни жадаллаштиради. Ўспирин ўқувчиларининг ўз-ўзини англашга алоқадор ўзига ҳос хусусиятлари мавжуд улар, даставвал ўзларининг кучли ва заиф жихатларини, ютуқ ва камчиликларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Ўспирин ўқувчининг ўсмирлик давридаги боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти—бу мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз қадр-қимматини эъозлаш, сезиш ва фахмлашга кўпроқ мойиллигидир. Ўспирин ўқувчида ўз-ўзинианглаш негизида ўз-ўзинитарбиялаш истаги туғилади. Натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини саралаш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиб куриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўспирин

Ўқувчиси руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга етган кишиларга хос кўп қиррали, умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Ўқувчилар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва меҳнат малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга, шахснинг муайян бир фазилатлари ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар; ўз-ўзини тарбиялаш муаммоларини, яхлит маонавий–рухий қиёфани шакллантиришга интилади.

Ўспирин ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўқув муассаса жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таосири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг такомиллаштириш жамоада муносиб урин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Ўз-ўзини тарбиялаш тўғри изга солиб юбориш учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида таъсир ўтказиш жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро баҳолаш ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий турмушда учрайдиган баъзи бир ярамас юриш-туриш кўринишларига, иллатларига, сарқитларига қақшаткич зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларнинг асраш, ёт ташвиқот моҳиятига қарши кураш олиб бориш педагоглар жамоасининг бош вазифасидир.

Ўспиринларда балоғатга етганлик туйғуси такомиллашиб бориб, ўз-ўзини қарор топтириш, ўз маонавий қиёфасини ифодалаш туйғусига ушиб ўтади. Бу нарса уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар турли модаларга майл қуйиш, мураккаб тасвирий саноатга, мусиқага, касб-хунарга, табиатга мафтункор қизиқишларини намоиш қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқув ва меҳнат жамоалари таосирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади,

худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, қурқоқлик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади.

Ўспиринлар шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотларини роли алоҳида аҳамият касб этади. Уларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатоиятлик, масъулиятлик, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш сингари фазилатлари барқарор хусусият касб этиб боради. Ўспирин йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади. Ўзининг кимлиги, қандайлиги, қобилиятлари, ўзини нимага ҳурмат қилишини аниқлашга интиладирлар. Дўст ва душманлари кимлиги, ўз истаклари, ўзини ва тевақал-атрофни, оламни яхши билиши учун нима қилиш кераклигини англашга ҳаракат қилади. Маълумки ўспиринларнинг ҳамма саволлари англаган бўлмайди. Баъзан ўспиринлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдиларига ҳаддан ташқари кўп вазифалар қуядиган, лекин унинг уддасидан чиқа олмайдиган бўлади. Мана булардан қуриниб турибдики, ўспиринлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс эттира боради. Бу эса ўспиринларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир.

Ўз-ўзини ҳурматлаш ва унинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Демак, юқорида кўрсатиб утилганидек, шахснинг эрта ўспиринликдаги энг муҳим ҳислатларидан бири ўз-ўзини ҳурматлаш, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўспиринлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш масалаларида бир бутун маонавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: Ўғил болалар –қаҳрамонлик, яхши ота, ўқитувчи, шифокор ёки бадий асар ҳамда кинофилмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар, қизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки илмий ходим ва ҳ.о. Ўзаро муносабат ва эмоционал ҳаёт ўз мавқеини

белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўспириннинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўспириннинг ота-онаси, ўз тенгқурлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашда ҳал қила олади. Ҳозирги замон психологиясида шу нарса кўзга ташланди. Кўпчилик ўспиринлар буш вақтларни биронта жойда ўтказишни афзал курадилар. Айниқса шаҳар болалари бўш вақтларини мактаб ва уйдан ташқари жойларда ўтказишни афзал кўрадилар. Қишлоқ болалари бўш вақтларини маданий дам олишга қаратади. Аммо шаҳар болалари бўш вақтларини кўпроқ катталар билан эмас, балки ўз тенгқурлари билан ўтказишни афзал курадилар. Масалан: Айрим ўспиринлар ота-оналари салгина эҳтиёжсизлик қиладими хафа бўлиб, қовоғини осадилар, юз ўгириб ўтирадилар, гап қайтарадилар. Натижада ота-она ўртасига совуқчилик тушади. Муносабатлар булар ўртасида мураккаблашади. Уйдан чиқиб кетадилар. Лекин сиёсий қарашлар, дунёқарашлар, касб танлаш анча чуқур муаммоларга келганимизда шуни айтиш мумкинки, ота-оналар обриси одатдагидек болаларга ўз тенгқурларига нисбатан кўпроқ таъсир этади.

Боб бўйича хулоса

Мулоқот ўта мураккаб ижтимоий жараёндир, уни ўрганиш назарий жиҳатдан инсоннинг ижтимоий табиатини англаб етишда, амалий жиҳатдан шахслараро муносабатларни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахслараро муносабатлардаги муаммоларнинг кўпчилиги мулоқот давомида юзага келади. Мулоқот жараёни шахс ижтимоийлашувининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шахснинг шаклланишида фаолият, хулқ-атвор қандай роль ўйнаса, шахслараро муносабатда мулоқот ҳам худди шундай ҳал қилувчи вазифани бажаради. Жаҳон психологияси мақоми, ўзига хос хусусиятлари ва услублари юзасидан муайян даражада маълумотлар тўпланган. Лекин унинг асосий психологик тавсифлари, тўзилиши ва ўзаро боғлиқлиги, ҳаракатлантирувчи механизмлари масалаларига бағишланган тадқиқотлар жуда камчилиқни ташкил этади. Мулоқот психология фанининг

асосий категорияларидан бири бўлиб, у ўз ичига шахслараро муносабатларнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида мулоқот категорияси кенг маънода тушунилганда ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларни акс эттириб, ижтимоий процессуал жабҳасини ифодалайди. Мулоқот ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўпқиррали жараёнидир.

Илк ўспиринларда мулоқотчанлик сифатлари, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиши ўқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам бошқа ўзидан катта инсонларга тақлид қилиш орқали шаклланади. Илк ўспир учун одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайри-ихтиёрий, ғайри-табiiй ижтимоий ҳолат ёки ходисага онгли таяниш ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, ўзини-ўзи буйруқ бериш шахснинг рухий дунёсидаги муҳим юксалиши босқичидир.

Шахслараро мулоқот жуда мураккаб жараён бўлиб, у ўз таркибий тузилиши, вазифалари, даражаларига эга, уларни илмий ўрганиш орқали мулоқот жараёни ҳақида тўлақонли тасаввур қилиш мумкин. Бу борада бир қанча олимлар иш олиб борганлар. Жумладан, Г.М.Адреева, В.М.Бехтерев ва Л.С.Выгосткийлар иш олиб борганлар. В.Н. Мясищев ўз концепциясини “Шахснинг муносабатлар психологияси” деб номлайди. Рус психологи Б.Ф.Ломов мулоқот функцияларини кўрсатади. А.Н.Монтъев ўзининг “Психика тараққиётидан очерклар” номли асарида мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида ёзади. Шарқ алламолари Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Аҳмад Юганикий, Абу Наср Форобий, Абу Раҳон Беруний, Кайковус асарларида инсонлар ўртасидаги муносабатлар кўрсатилган.

Илк ўспиринлик давридаги мулоқотчанлик борасидаги тадқиқот ва изланишлар олиб борилганлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

II –БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИДА КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНИ ТАЖРИБАДА ЎРГАНИЛИШИ.

2.1. Шахснинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини диагностика қилиш.

Қобилият инсоннинг шундай психологик хусусиятидирки, билим, кўникма, малакаларини эгаллаш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Лекин, бу хусусиятларнинг ўзи бу билим ва кўникмаларга тааллуқли бўлмайди. Малака, кўникма ва билимларга нисбатан одамнинг қобилиятлари қандайдир имконият тарзида намоён бўлади. Қобилиятлар имкониятлардан иборат бўлиб, бирор бир ишдаги маҳорат даражаси ҳақиқатдир. Болада намоён бўладиган мусиқага қобилияти унинг мусиқачи бўлиши учун имкониятлар, махсус таълим берилиши, қатъийлик, саломатлигининг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўпгина шароитлар бўлиши керак. Буларсиз қобилиятлар тараққий этмай турибоқ сўниб кетиши мумкин.

Қобилиятлар фақат фаолиятда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятлардагина намоён бўлади. Ўқувчида ҳам зарурий кўникма ва малака тизими ҳамда мустаҳкам билимлар таркиб топиш услублари йўқлигига асосланиб, жиддий текшириб кўрилса, шошилиш равишда унда қобилиятлар йўқ, деб хулоса чиқариш педагогнинг жиддий психологик хатоси бўлади.

Қобилиятлар индивидуал психологик хусусиятлар бўлиши билан ақл сифатлари хотира хусусиятларига, ҳиссий хусусиятлар ва шу қабиларни қарама-қарши қўйиб бўлмайди, ҳамда қобилиятларни шахснинг бу хусусиятлари билан бир қаторга қўйиш ҳам мумкин эмас. Агар шу сифатларнинг бирортаси ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб берса ёки бу талаблар таъсири билан таркиб топса бу шахснинг мазкур индивидуал хусусиятларини қобилиятлар деб ҳисоблашига асос бўлади.

Қобилият кишининг психологик ва физиологик тузилиши хусусиятидир. Қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит бўлиб, шунинг билан бирга у маълум даражада билим олиш маҳсули ҳамдир. Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий кўникмаларни эгаллаб олиш жараёнида қобилият мукамаллашиб ва ривожланиб боради. Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакадир. Улар фаолият механизмини ташкил қиладилар. Ҳамда улар қобилият билан биргаликда маҳоратга эришишни таъминлайдиларки, бунинг натижасида меҳнатда катта ютуқлар қўлга киритилади. Қобилиятли, аммо ношут инсон кўп нарсага эриша олмайди. Қобилият кўникмада рўёбга чиқади.

Ҳар қандай қобилият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабга жавоб бера олса киши фаолиятни муваффақият билан амалга ошириш учун ўз қобилиятлилигини кўрсата олади, агарда хусусиятлардан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатнинг муайян турига нисбатан ҳам қобилиятли деб баҳоланади. Ҳар бир қобилиятнинг ўзига хос тузилиши мавжуд. Қобилият таркибида таянч ва етакчи хусусиятларни, муайян асосий ёки ёрдамчи хусусиятларни фарқ қилиш лозим.

Барча қобилиятлар учун асосий таянч хусусият кузатувчанлик, билиш кўникмасидир. Бу индивидуал нарсанинг ўзига хос томони, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиш демакдир. Қобилиятнинг етакчи хусусияти ижодий тасаввур қилишлик ҳисобланади.

Ўқувчининг қобилиятлари нимага намоён бўлишини ва бинобарин ўқувчи шахсини қандай индивидуал психологик хусусиятлари фаолиятни қай даражада бажариш қобилиятига эга эканлиги, яъни ўқувчининг бошқаларга нисбатан малака ва билимларни қанчалик тез, енгил ва мустаҳкам эгаллаб олишини билиш педагог учун муҳимдир.

Қобилият хусусиятларининг сифат томонидан қаралиши мақсадга ҳар турли йўллар билан боришга имкон берувчи «ўзгарувчан миқдор» тўплами

сифатида, фаолият муваффақиятини таъминловчи инсон психологик хусусиятларининг йиғиндиси сифатида кўрилади. Бир хусусиятларни ўрнини иккинчи бир хусусиятлар билан босишнинг кенг имкониятлари мавжуд, буни одам ўзида чиндан қатъийлик билан ишлаш орқали ривожлантириши мумкин. Педагог ва психолог Сколовинский кўр-кар Ольга Скороходовада фақат илмий ходимлик қобилиятини эмас, балки адабий қобилият билан, бошқариш ёрдами билан тўлдириш хусусияти ҳар бир одам олдида касб танлаш ва уни такомиллаштиришнинг ниҳоятда кенг имкониятларини очиб беради.

Шахснинг ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятлари ҳақида диагностик қилиш методикаси психологик ташхисда ва катта синф ўқувчиларига касбга маслаҳат беришда кенг қўлланилади.

Тадқиқотни ўтказиш учун КТҚ саволномасини ва жавоб варақасини тайёрлаш керак. Тадқиқотни индивидуал ва гуруҳий ўтказиш мумкин. Текширилувчиларга жавоб варақаларини тарқатиб, сўнг инструкцияни ўқиб бериш керак.

Қуйидаги келтирилган тасдиқларни яхшилаб ўқиб чиқинг ва бу тасдиқларга рози бўлсангиз “+” белгисини, агар рози бўлмасангиз “-” белгисини қуйинг. Ноаниқ савол суистеъмол қилмасликка ҳаракат қилинг. Ҳар бир детал устида узоқ ўйламаслик, аниқ ҳолатларни кўз олдингизга келтиринг. Жавоб учун кўп вақт сарфламанг, миянгизга келган биринчи табиий жавобни беринг. Саволларни қолдирмасдан тартиби билан жавоб беринг. Тўғри ва самимий жавоб беринг. Ўз жавобларингизни яхши тасаввур этишга ҳаракат қилманг, улар ҳақиқий бўлиши лозим. Ҳар бир саволга берилган жавоб умуман кўриб чиқилмайди, бизни фақатгина умумий кўрсаткичлар қизиқтиради.

Илк ўспиринлик ёшида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини шаклланганлигини ўрганиш мақсадида “Шахснинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини ўрганиш” методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан

таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди.

Методика бўйича натижаларни жадвал кўриниши (2.1-жадвал)

Синалувчилар	Қобилиятларнинг ифодаланиш даражаси				
	Жуда юқори	Юқори	Ўрта	Ўртадан паст	Паст
Илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчилар	-	23%	37%	30%	10%

Методика бўйича натижаларни диаграмма кўриниши (2.1-расм)



Методика натижаларидан шуни кўриш мумкинки, синалувчилар гуруҳида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлар аҳамиятлилики даражани ташкил қилади. Унга кўра коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларнинг жуда юқори кўрсаткичи 0% ни ташкил қилиб синалувчилар ўртасида фарқли жиҳат кўзга ташланади. Натижалардан кўришимиз мумкинки, илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларда коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлар жуда юқори даражада шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Юқори кўрсаткич синалувчилар гуруҳида 23% ни ташкил қилган. Демак коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари юқори даражада деб ҳисобланади. Улар янги вазиятларда ўзини йўқотиб қўймайди, дўстларни тез топади, танишувлар билан шуғулланади, яқинлари ва дўстларига ёрдам беради, жамоат тадбирларини ташкил қилишга қатнашади, оғир вазиятда мустақил қарорлар қабул қила олади. Айтилиб ўтганларни улар мажбурий эмас, ўз ички интилиши билан бажаришади.

Ўрта кўрсаткич синалувчилар гуруҳида 37% ни ташкил қилади. Улар одамлар билан мулоқот ўрнатишга интилади, ўзларини танишувларини чегараламайди, ўз фикрини ҳимоя қила олади, ишларини режалаштиради, лекин қобилиятларини юқори турғунлик билан таърифлаб бўлмайди. Бу гуруҳ коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш учун жиддий тарбиявий ишлар олиб бориш керак.

Синалувчилар орасида ўртадан паст кўрсаткич 30% ни ташкил қилди. Бундан кўринадики улар мулоқотга интилишмайди, яъни жамоада ўзларини эркин тутаолмайди, вақтни ёлғиз ўтказишни афзал кўради, ўзларини танишувларини чегаралаб қўяди, одамлар билан мулоқот ўрнатишга ва аудитория олдида гапиришга қийналади, ўз фикрини ҳимоя қилолмайди, кўп ишларда мустақил қарор қабул қилишда ўзларини четга тортишни афзал кўради.

10% текширилувчиларни коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари паст натижани кўрсатди. Улар мулоқот ва ташкилий фаолиятга умуман эҳтиёж ҳис этишмайди, оғир вазиятлардан чиқиб кета олишмайди.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, қобилиятларнинг сифат тавсифи шахснинг қайси индивидуал психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятларининг мажбурий шарти тариқасида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдор тавсифи эса фаолиятга қўйиладиган талабларни шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдиради, яъни мазкур инсон бошқа одамларга қараганда малака, билимлардан нечоғлик тез, енгил, пухта фойдалана олишини намойиш қилиши билан характерланади. Қобилият билим ва малакаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш тизимида намоён бўлади яъни, бошқача қилиб айтганда мазкур фаолият учун муҳим бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида турли шароитларда қанчалик тез, чуқур, енгил ва мустаҳкам амалга оширишида намоён бўлади.

2.2. Ижтимоий-психологик мослашганлик ва коммуникатив сифатлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

Ижтимоий –психологик мослашганлик шкаласи (ИПМ)нинг оригинал варианты 1954 йил Ф.К.Роджерс ва Р.Даймонд томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур сўровнома оммавий мактабдаги “тарбияси оғир болалар”нинг эмоция ва хулқ-атвор соҳасидаги бўзилишларни ўрганиш учун (Мурзенко В.А. 1977), мактаб адаптацияси-дезадaptациясининг кўрсаткичи сифатида бошланғич таълимдан ўрта таълимга ўтишдаги қийинчиликларни ўрганиш учун (Прихожан А.М. 1984), ихтисослаштирилган мактабдаги таълимнинг мураккаблашган шаклларига мослашиш жараёнида ўсмирларда ўз-ўзини англашнинг шаклланиши хос хусусиятларни ўрганиш учун (Снегирева Т.В. 1978), ўрта махсус ва олий ўқув юртлари шароитларига мослашишнинг

индивидуал хусусиятларини ўрганиш учун (Осницкий А.К. 1992) ўқувчиларни турли гуруҳларида синаб кўрилган.

Методикадан фойдаланиш жараёни шуни кўрсатадики, у асосан ўсмирла ва ўспиринлар учун мўлжалланган. Бирроқ у кичик ўсмирлар билан ҳам ишлашда самара бериши мумкин.

Методика асосини ташкил қилган инсоннинг ижтимоий муҳит ва ўз-ўзига бўлган муносабати модели ўз-ўзида ривожланадиган, ўз хулқ-атвори учун жавоб беришга қодир субъект сифатида шахс концепциясидан келиб чиқади. Шкала 101 та ҳукмдан иборат бўлиб, уларнинг 37 таси шахснинг ижтимоий мослашганлик мезонларига мувофиқ келади (бу мезонлар кўп жиҳатдан шахс етуқлиги мезонларига мос келиб, улар орасида ўз кадрини билиш ва ўзгаларни ҳурмат қилишга қодирлик, фаолият ва муносабатларнинг реал амалиёти учун очиқлик, ўз муаммоларини тушуниш кабилар мавжуд). Кейинги 37 та ҳукм мослашмаганлик мезонларига оид (ўзини ва бошқаларни қандай бўлса шундайлигича қабул қила олмаслик, шахсий тажриба устида фикр юритишда “тўсиқлар”нинг мавжудлиги, муаммолардан қочиш, психик жараёнларнинг мўртлиги кабилар). Қолган 27таси бетараф ҳукмнинг бир қисми ёлғин шкаласини ташкил этади.

Йўриқнома: Сўровномага инсон унинг ҳаёт тарзи: кечинмалари, фикрлари, одатлари, хулқ-атвор услуби ҳақидаги ҳукмлар киритилган. Уларни ўз ҳаёт тарзимиз билан нисбатлаш мумкин. Ҳар бир ҳукм ўқиб, ўз одатларингизга, ҳаёт тарзингизга солиштиринг ва бу ҳукм сизга қай даражада тааллуқли эканини баҳоланг. Бунинг учун жавоб варақасидаги “0” дан “6” гача бўлган 7 баҳодан. Фикрингизга кўра, мувофиқ келган биттасини танланг.

Илк ўспиринлик ёшидадаги ўқувчиларни таълим муассасасининг шароитига мослашишининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш мақсадида “Ижтимоий-психологик мослашганлик тавсифномаларини ўрганиш” методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди.

Методика бўйича натижаларни жадвал кўриниши (2.2-жадвал)

ИПМ шкалалар	Коммуникатив сифатларни даражаси			
	Юқори	Ўрта	Ўртадан паст	Паст
Мослашганлик	40%	20%	26,6%	10%
Мослашмаганлик	0%	16,6%	76,6%	6,6%

Методика бўйича натижаларни диаграмма кўриниши (2.2-расм)



Методика натижаларидан шуни кўриш мумкинки, синалувчилар гуруҳида аҳамиятлилик даражани ташкил қилади. Унга кўра ижтимоий мослашганлик шкаласи юқори кўрсаткичи 40% ни ташкил қилиб

синалувчилар ўртасида фарқли жиҳат кўзга ташланади. Натижалардан кўришимиз мумкинки, илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларни таълим муассасасига юқори даражада мослашганлиги билан изоҳланади. Мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлади. Коллеж ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларда коммуникатив сифатлар, илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндашиш кучайишига олиб келади. Ижтимоий мослашмаганлик 0% ни кўрсатди, бу шуниси билан характерланадики илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчилар таълим муассасасига мослашиш босқичидан ўтишган. Уларда шахслараро муносабатларда, раҳбарият, ўқитувчилар жамоаси ва тенгдошлари билан бемалол мулоқот, муносабат ўрната олиш бўйича кўникма ва малакалар шаклланган.

Ўрта кўрсаткич синалувчилар гуруҳида мослашганлик 20% ни ва мослашмаганлик 16,6% ташкил қилади. Уларда таълим муассасасида, гуруҳда ўз ўрнини топишга интилиш касб-ҳунар эгаллаш, ихтисосликни тўғри танлаш, истиқбол режасини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Бу уларда коммуникатив сифатларни янада шакллантиришни талаб этади.

Синалувчилар орасида ўртадан паст кўрсаткич мослашганлик бўйича 26,6% ни, мослашмаганлик бўйича 76,6% ни ташкил қилди. Бундан кўринадики, илк ўспириннинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч жамот ташкилотлари, коллеж жамоаси, таълим жараёни қўядиган талаблар даражасининг ошиши билан у эришган психик камолот ўртасида зиддиятдан иборатдир. Турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ўспириннинг ахлоқий, ақлий, нафосат жиҳатдан тез ўсиши ва мулоқотчанлиги орқали бартараф қилинади.

10% текширилувчиларда мослашаганлик ҳамда 6,6 % текширилувчиларда мослашмаганлик паст натижани кўрсатди. Уларда коммуникатив сифатлар, сезгирлик, кузатувчанлик, такомиллашиб боради, мантикий хотира, эслаб қолишнинг йўл ва воситалари, шахслараро муносабатларда ўз ўрнини топишга интилиш эса таълим жараёнида етакчи роль ўйнай бошлайди.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўспирин қобилияти, лаёқати ва истеъдоди таълим жараёнида меҳнат фаолиятида ва албатта мулоқот жараёнида ривожланади. Унинг қанчалик истеъдодли эканини аниқлаш учун зийраклиги, жиддий синовга шайлиги, меҳнатга мойиллиги, интилиш, психик тайёрлиги, мантикий фикрлашининг тезлиги, изчиллиги, самарадорлигига эътибор бериш керак. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёнига қўшилиб кетади.

Илк ўспиринларнинг мулоқотчанлик хусусияти ва ижтимоий мослашишини таъминловчи омилларни таққослаш мақсадида Пирсон бўйича муносабатларнинг корреляцияланиши, яъни ҳар иккала кўрсаткичнинг ўзаро статистик боғланиши таҳлил қилинди.

1-кўрсаткич X_i -ўспириннинг мулоқотчанлик хусусиятлари.

2-кўрсаткич Y_i - ўспириннинг ижтимоий мослашганлик даражалари.

$$\Gamma = \frac{\sum (X_i - X) \cdot (Y_i - Y)}{\sqrt{\sum (X_i - X)^2 \cdot \sum (Y_i - Y)^2}}$$

Бу формула Пирсоннинг корреляция коэффицентини аниқловчи мезон ҳисобланади.

$$\Gamma = \frac{\sum (X_i - X) \cdot (Y_i - Y)}{\sqrt{\sum (X_i - X)^2 \cdot \sum (Y_i - Y)^2}} = \frac{81.24}{\sqrt{0.312 \cdot 24946}} = \frac{81.24}{\sqrt{7783.152}} = \frac{81.24}{\sqrt{88.22}} = 0.92$$

$\Gamma = 0.92$

Корреляциянинг хоссаларига биноан мусбат натижа 0.92 муносабатларининг ўзаро тўғри, яъни пропорционал боғланишда эканлигини кўрсатиб турибди. Мулоқотчанлик хусусияти қанчалик пастдан юқорига қараб

ўсиб борса ижтимоий мослашиш кўрсаткичи ҳам ортиб бориши таҳлиллар натижасида кўринди (2-илова).

2.3. Коммуникатив сифатлар ва ўз-ўзини баҳолаш ўртасидаги алоқадорликни таҳлил қилиш.

Мазкур методика шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини ўлчашда қўлланилиши мумкин. Методика С.А.Буддаси томонидан таклиф қилинган методиканинг материали сифатида шахс хусусиятларини ифодаловчи сўзлар катори берилган.

Методика материали. Шахс хусусиятларини ифодаловчи сўзлар: саранжомлик, беғамлик, шуюҳаланувчанлик, хаёлпарастлик, жиззакилик, таъсирчанлик, уятчанлик, қатъиятлик, мақтанчоқлик, камтарлик, мулойимлик, эҳтиёткорлик, эпчиллик, ҳаракатчанлик, ташаббускорлик, сабрсизлик.

Методиканинг қўлланиши. Синалувчи берилган сўзлардан икки рўйхатни тўзиш керак. Биринчи рўйхатда синалувчи сўзларни шундай кетма-кетликда жойлаштириши керакки, бунда синалувчи учун энг ёқимсиз сифатни ифодаловчи сўз биринчи ўринда, энг ёқимли сифатни билдирувчи сўз йигирманчи ўринда жойлаштирилади.


Иккинчи рўйхатда синалувчи сўзларни шундай кетма-кетликда жойлаштирилиши керакки, бунда синалувчи ўзи учун энг кам даражада хос деб ҳисблаган хусусиятни ифодаловчи сўз охириги ўринда жойлаштирилади.

Илк ўспиринлик ёшидадаги ўқувчиларни ўз-ўзига берадиган баҳосини ўрганиш мақсадида “Шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини аниқлаш” методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди.

Методика бўйича натижаларни жадвал кўриниши (2.3-жадвал)

Синалувчилар	Жуда юқори	Юқори	Ўрта	паст
Илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчилар	3,3%	46,6%	30%	20%

Методика бўйича натижаларни жадвал кўриниши (2.3-расм)



Методика натижаларидан шуни кўриш мумкинки, синалувчилар гуруҳида аҳамиятлилик даражани ташкил қилади. Унга кўра ўз-ўзига баҳо беришнинг жуда юқори кўрсаткичи 3,3% ни ташкил қилиб синалувчилар ўртасида фарқли жиҳат кўзга ташланади. Натижалардан кўришимиз мумкинки, илк ўспиринлик

ёшида ўз-ўзига баҳо бериш жуда юқори даражада шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Юқори кўрсаткич синалувчилар гуруҳида 46,6% ни ташкил қилган. Унга кўра ўспиринларда ўз-ўзини баҳолаш қанчалик юқори даражада намоён бўлса, уларда коммуникатив сифатлар, яъни мулоқотга кириша олиш хусусияти ҳам шунча шаклланган бўлади. Ўспириндаги ўз-ўзини баҳолаш ўқиш, меҳнат, турмуш ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади. Таълим муассасасидаги одатланилмаган вазиятнинг шахслараро муносабат ва мулоқот кўламининг кенгайиши ўзининг ақлий, ахлоқий, иродавий ҳис туйғуларининг хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган талабларга жавоб тариқасида ёндашиш ўз-ўзини баҳолашни жадаллаштиради.

Ўрта кўрсаткич синалувчилар гуруҳида 30% ни ташкил қилади. Бу шуниси билан характерланадики, демак илк ўспиринлик даври ўз-ўзини баҳолаш хусусияти шаклланиш босқичида бўлиб, бу ўспиринларнинг шахслараро муносабатларида, мулоқот ва фаолият жараёнларида намоён бўлиб боради.

Синалувчилар орасида паст кўрсаткич 20% ни ташкил қилди. Бундан кўринадики ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги уларни уддалай олмаслик турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши ўзини кучи ва қобилиятсизлик тшончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳатто бундай ҳолат суқидиал ҳаракатлар яъни ўз жонига қасд қилиш реал борликдан “қочилса” интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўз-ўзига нисбатан баҳо турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тарибаси ва шу тажрибаси асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни айти бирор иш

ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида – аксинча пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга яъни унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Натижалар орасида боғлиқлик таҳлил қилиниб, ўзаро таққосланади.

$$\Gamma = \frac{\sum (X_i - X) \cdot (Z_i - Z)}{\sqrt{\sum (X_i - X)^2 \cdot \sum (Z_i - Z)^2}}$$

Формуласи бўйича ҳисобланади.

1. X_i – кўрсаткичли илк ўспириннинг мулоқотчанлик хусусиятлари

2. Z_i - Илк ўспириннинг ўз-ўзига берадиган баҳоси.

$$\Gamma = \frac{0.0820}{\sqrt{0.312 \cdot 0.671}} = \frac{0.0820}{\sqrt{0.20}} = 0.11$$

$\Gamma=0.11$ тенглиги улар, яъни кўрсаткич орасида аҳамитли даражада боғлиқлик борлиги кўринди. Демак, илк ўспирин мулоқотчанлик хусусияти, ўз-ўзини адекват баҳолашда муҳим саналар экан(3-илова).

Юқоридаги таҳлиллар ва кузатувлар натижасида тадқиқотимизда илгари сурилган фаразimiz, яъни “Илк ўспиринларнинг ўз-ўзига берадиган баҳоси унинг мулоқотчанлигига боғлиқ бўлиши мумкин” қисман тасдиқланди. Лекин ҳамма вақт ҳам юқори мулоқотчанлик хусусияти ўз-ўзига баҳо беришнинг юқори даражасини белгилаб бермас экан ва аксинча мулоқотчанлик паст бўлган ўспиринларда юқори ўз-ўзига бериш ҳам кўриниб тураркан.

II-Боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишимизнинг II-боби муаммонинг амалий жиҳатдан ўрганилганлигига бағишланган. Унда илк ўспиринлик даврида коммуникатив сифатларни шаклланганлигини ўрганиш мақсадида Шахснинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари (КТҚ)ни ўрганиш методикаси, Ф.К. Роджерс ва Р.Даймонд томонидан ишлаб чиқилан “Ижтимоий-психологик мослашганлик характеристикаларини ўрганиш” методикаси, С.А. Будасси томонидан ишлаб чиқилган “Шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини аниқлаш методикалар мажмуасидан фойдаланилди. Шунингдек илк ўспирин ёшидаги ўқувчилар билан ўтказилган методика натижалари ва уларнинг таҳлиллари келтирилган. Олинган натижалар жадвал ҳамда диаграммаларда акс эттирилган.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидагиларни хулоса ўрнида келтириб ўтишимиз мумкин:

- Илк ўспиринларда коммуникатив даражаси шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин.
- Илк ўспиринларнинг коммуникатив хусусияти унинг ижтимоий мослашишини таъминловчи омилларидан бири бўлиши мумкин. Шахсда коммуникатив сифатларнинг шаклланиш даражаси қанча юқори бўлса, ижтимоий мослашувчанлик хусусияти ҳам шунча юқори даражада намоён бўлиши мумкин.
- Илк ўспиринларнинг ўз-ўзига берадиган баҳоси унинг мулоқотчанлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адектив) тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илк ўспиринлик ёши ижтимоий ривожланиш билан шахснинг шаклланишидаги энг мураккаб даврларидан бири ҳисобланади, ҳаёт йўлининг мана шу қисмида ўспирин ўзи учун ҳоят муҳим қатор масалаларни: ким бўлиш, нима ишларни бажариш кераклигини ҳал қилиш зарур. Шахснинг келажақдаги баркамоллиги, барқарорлиги, фаоллиги, ғоявийлиги, ахлоқан поклиги, эътиқодлиги, мақсадга интилиш, ўзига хослиги, улуғворлиги, маънавийлиги ҳамда жамият учун қимматлилиги унинг ўспиринлик даврида ўз олдига қандай вазифа қўйишга ва уларни умуман жамиятнинг вазифалари билан қанчалик мувофиқлаштиришга боғлиқ бўлади.

Ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, хаттоки, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралаган мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиш мумкин. Лекин у шахс бўла олмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамияти беқиёсдир.

Ўтказилган тадқиқотларимиздан шундай хулосалар қилиш мумкин.

- Илк ўспиринлик ёшида қанчалик мулоқотчан бўлса, унинг ижтимоий ҳаётга мослашиши шунчалик юқори бўлар экан.
- Илк ўспиринлик ёшининг мулоқотчанлиги унинг ўз-ўзига берадиагн баҳосига боғлиқ бўлмасдан, балки ўспирининг ўз-ўзига адекват баҳо бериши кўзатилди.
- Ҳамма вақт ҳам юқори мулоқотчанлик хусусияти ўз-ўзига баҳо бернинг юқори даражасини белгилаб бермас экан.
- Баъзида мулоқотчанлик паст бўлган Илк ўспиринлик ёшида юқори ўз-ўзига баҳо бериш ҳам кўриниб тураркан.

Юқоридаги хулосаларга кўра қуйидаги тавсияларни бериш мумкин.

- Илк ўспиринлик ёшида ўз-ўзига бўлган ишончини кўтариш, ўз-ўзига адекват баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

- Илк ўспиринлик ёшида муваффақиятли коммуникативни амалга оширишга ёрдам берадиган зарурий коммуникатив сифатларни ривожлантириш ва турли вазиятлардан чиқиб кета олишни шакллантириш.
- Ота-она ва педагогларни Илк ўспиринлик ёши ва индивидуал хусусиятлари, улардаги мулоқот жараёнининг кечиши борасидаги билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.
- Илк ўспиринлик ёшларда ўзини-ўзи ва ўзгарални англаш, эмпатик ва ўзгаларни тинглай олиш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўзбекча-инглизча сўзлар луғати

Адекват - appropriate

Ахлоқ -behavior

Бошқариш -direction

Вербал- verbal

Диққат -attention

Имо-ишора- mimicry

Индивид -individ

Зийраклик -vigilance

Кўникма- skill

Концепция -conception

Маълумот -information

Муносабат - attitude

Мулоқот -communication

Новербал- nonverbal

Нутқ -speech

Таълим -educate

Тезкорлик -efficiently

Сезгирлик - sensitive

Фикр -opinion

Онтогенез- ontogenesis

Психология -psychology

Раҳбар –executtee, tutor

Шахс -personality

Эмоция- emotion

Характер- character

Хушмуомалалик- politeness

Хавотирланиш -worry

Хулқ-атвор - behave

Ҳиссиёт -emotion

Ўспирин -teenager

Ўз-ўзига баҳо бериш –self-appraisal

Қобилият -endowments

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида ” Тошкент “Ўзбекистон” 1992 йил.
2. Каримов И.А “Истиқлол ва маънавият” Тошкент “Ўзбекистон” 1994 йил.
3. Каримов И.А “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент “Шарқ” 1997 йил.
4. Каримов И.А “Ўзбекистон келажи буюк давлат” Тошкент “Шарқ” 1998йил.
5. Каримов И.А “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедия” 2000йил.
6. Каримов И.А “Юксак- маънавият енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008йил.
7. Кайкавус “Қобуснома” Тошкент. Ўқитувчи 1986й.
8. Андреева Г.М. “Социальная психология”Из МТУ-2000 г
9. Андерева Г.М. 2”Общения и оптимизация совместный деятельности М 1987.
- 10.Андреева Г.М. “Место межличностного восприятия в системе перцептивных процессов и обособенности его содержания”.
- 11.Абрамова “Возрастная психология.”
- 12.Асмалов А.Г. “Личность как предмет психологического исследования”. М: МТУ. 1984 105б.
- 13.Бондос Т.В.”Уровень организованности группа и проблема лидерство”. Л.1981
- 14.Бадалев А.А. “Личность и общение”. М: Педагогика, 1983г- 272б
- 15.Бодалев А.А “Личност и общение”. М: 1983
- 16.Бадолев А.А. “Восприятие и понимание человека человеком “.М: 1982
17. Выготский Л.С. Сбр. Соч-М: 1983 Т. 3
- 18.Жуков Ю.М. “Эффективность делового общения” М-1988 63 б
- 19.“Возрастная психология взрослых” (Теоретическая и психологическая). Под.ред.Б.Г. Ананьев, Е.И. Степановой. Л: 1971. 67-75-б.
- 20.Гайнутдинов Р.З. “Личностные детерминанты личности в его взаимоотношениях с учащимися”. Сб: Психология взаимоотношений учащихся в учебных коллективах. Т. 1989. 61б

21. Давлетшин М.Г. “Психологические аспекты формирования взаимоотношение в учебных коллективах”. В. Сбр психология взаимоотношений учащихся учебных коллективах. Т. 1989.
22. Лисина М.И “Проблема онтогенеза общения”-М: 1986
23. Ломов Б.Ф. “Проблема общения в психологии- М: Наука. 1981
24. Ломов Б.Ф. Психологические исследования общения”-М: Наука. 1985.
25. Леонтьев А.А. “Педагогическое общение” Москва. 1978й.
26. Мясичев А.В. “Общение как фактор воспитания школьников”: Автореф.док.диссертация-Л:1981
27. Немов Р.С. “Психологические условия и критерии эффективности раюоты коллектива”.
28. Немов “Психология” книга 2 Москва. 2003й.
29. “Общение и его влияние на развитие психики”. Сост.М.И. Лишка Москва;1974.
30. Петровская А.А. “Компенетност в общении”. Москва; 1998, 74-79б
31. Станкин М.И. “Психология общения” Москва-Воронеж. 2000 295
32. Ушаков Н.В. идр. “Основы психологии общения” Москва; Транспорт, 1990. 112б.
33. Каминский Я.Л. “Психология общения”.
34. Ғозиев Э.Ғ. “Муомала психологияси”-халқ таълими, 1998й. 2-сон.
35. Ғозиев Э.Ғ. “Муомала психологияси”-халқ таълими, 1998й. 6-сон.
- Ғозиев Э.Ғ. “Муомала психологияси”. Тошкент; ЎЗМУ;-2001й

T/P	Ф.И.	Қобилиятларнинг % кўрсаткичи	Қобилиятларнинг ифодаланиш даражалари
1.	А.У.	0.45	Ўртадан паст
2.	А.Ж.	0.5	Ўртадан паст
3.	А.З.	0.75	Юқори
4.	Б.Б.	0.55	Ўрта
5.	Б.Р.	0.55	ўрта
6.	Д.А.	0.45	Ўртадан паст
7.	Э.Д.	0.55	Ўрта
8.	И.Г.	0.4	Паст
9.	И.Р.	0.5	Ўртадан паст
10.	М.А.	0.33	Ўрта
11.	М.Ш.	0.6	Ўрта
12.	М.М.	0.6	Ўрта
13.	М.Д.	0.7	Юқори
14.	Н.М.	0.5	Ўртадан паст
15.	Н.А.	0.5	Ўртадан паст
16.	С.Д.	0.55	Ўрта
17.	Т.У.	0.45	Ўртадан паст
18.	У.З.	0.55	Ўрта
19.	Х.Д.	0.4	Паст
20.	Х.Ф.	0.5	Ўртадан паст
21.	Х.С.	0.6	Ўрта
22.	Л.С.	0.5	Ўртадан паст
23.	Ё.Ж.	0.75	Юқори
24.	Ш.С.	0.4	Паст
25.	Ш.Г.	0.55	Ўрта
26.	Ш.Ф.	0.7	Юқори
27.	Ш.Э.	0.7	Юқори
28.	Ю.Ш.	0.7	Юқори
29.	Ю.Х.	0.6	Ўрта
30.	Я.Д.	0.7	Юқори

№	Ф.И.	Мулоқотчанлик хусусияти X_i		Мослашганлик Y_i	Мослашмаганлик Y_i	$X_i - X$	$(X_i - X)^2$	$Y_i - Y$	$(Y_i - Y)^2$	$(X_i - X)^* (Y_i - Y)$
1	А.У	0.45	Ўртадан паст	92	98	-0.11	0.0121	-35	1.25	3.85
2	А.Ж	0.5	Ўртадан паст	96	102	-0.06	0.0036	-31	61	1.86
3	А.З	0.75	Юқори	160	72	0.13	0.0361	33	1089	6.27
4	Б.Б	0.55	Ўрта	138	110	-0.01	0.0001	11	122	-0.11
5	Б.Р	0.55	ўрта	136	105	-0.01	0.0001	9	81	-0.09
6	Д.А	0.45	Ўртадан паст	105	110	-0.11	0.0121	-22	484	2.42
7	Э.Д	0.55	Ўрта	141	130	-0.01	0.0001	14	196	-0.14
8	И.Г	0.4	Паст	81	120	-0.16	0.0256	-46	2116	7.36
9	И.Р	0.5	Ўртадан паст	107	109	-0.06	0.0036	-20	400	1.2
10	М.А	0.33	Ўрта	143	121	-0.01	0.0001	16	256	-0.16
11	М.Ш	0.6	Ўрта	145	113	0.04	0.0016	18	324	0.72
12	М.М	0.6	Ўрта	146	107	0.04	0.0016	19	361	0.76
13	М.Д	0.7	Юқори	160	90	0.14	0.0196	33	1089	4.62
14	Н.М	0.5	Ўртадан паст	98	113	-0.06	0.0036	-29	841	1.74
15	Н.А	0.5	Ўртадан паст	103	107	-0.06	0.0036	-24	576	1.44
16	С.Д	0.55	Ўрта	140	104	-0.01	0.0001	13	69	-0.13
17	Т.У	0.45	Ўртадан паст	101	108	-0.11	0.0121	-26	676	2.86
18	У.З	0.55	Ўрта	145	107	-0.01	0.001	18	324	-0.18
19	Х.Д	0.4	Паст	70	111	-0.06	0.0256	-57	3249	9.12
20	Х.Ф	0.5	Ўртадан паст	106	109	-0.06	0.0036	-21	441	1.26
21	Х.С	0.6	Ўрта	150	113	0.04	0.0016	23	529	0.92
22	Л.С	0.5	Ўртадан паст	103	109	-0.06	0.0036	-24	576	1.44
23	Ё.Ж	0.75	Юқори	161	98	0.19	0.0361	34	816	6.46
24	Ш.С	0.4	Паст	68	93	-0.16	0.0256	-59	3481	9.44
25	Ш.Г	0.55	Ўрта	142	131	-0.01	0.0001	15	225	-0.15
26	Ш.Ф	0.7	Юқори	158	96	0.14	0.0196	31	961	4.34
27	Ш.Э	0.7	Юқори	159	98	0.14	0.0196	32	1024	4.48
28	Ю.Ш	0.7	Юқори	154	99	0.14	0.0196	27	729	3.78
29	Ю.Х	0.6	Ўрта	147	126	0.04	0.0016	20	400	0.8
30	Я.Д	0.7	Юқори	162	103	0.14	0.0196	35	1225	4.9
		$\Sigma=16.8$ $X=0.56$		$\Sigma=3817$ $Y=127$			$\Sigma=0.312$		$\Sigma=24.94$ 6	82.04 0.8 $\Sigma= 81.24$

T/P	Ф.И.	Мулоқотчанлик хусусияти X_i		Шахсининг ўз –ўзига берадиган баҳоси Z_i	
1.	А.У.	0.45	Ўртадан паст	0.6	Юқори
2.	А.Ж.	0.5	Ўртадан паст	0.7	Юқори
3.	А.З.	0.75	Юқори	0.8	Жуда юқори
4.	Б.Б.	0.55	Ўрта	0.5	Юқори
5.	Б.Р.	0.55	ўрта	0.6	Юқори
6.	Д.А.	0.45	Ўртадан паст	0.7	Юқори
7.	Э.Д.	0.55	Ўрта	0.4	Ўрта
8.	И.Г.	0.4	Паст	0.3	Ўрта
9.	И.Р.	0.5	Ўртадан паст	0.6	Юқори
10.	М.А.	0.33	Ўрта	0.7	Юқори
11.	М.Ш.	0.6	Ўрта	0.5	Юқори
12.	М.М.	0.6	Ўрта	-0.4	Ўрта
13.	М.Д.	0.7	Юқори	0.5	Юқори
14.	Н.М.	0.5	Ўртадан паст	0.2	Ўрта
15.	Н.А.	0.5	Ўртадан паст	-0.6	Паст
16.	С.Д.	0.55	Ўрта	-0.5	Паст
17.	Т.У.	0.45	Ўртадан паст	0.1	Ўрта
18.	У.З.	0.55	Ўрта	-0.4	Ўрта
19.	Х.Д.	0.4	Паст	-0.5	Паст
20.	Х.Ф.	0.5	Ўртадан паст	0.6	Юқори
21.	Х.С.	0.6	Ўрта	0.6	Юқори
22.	Л.С.	0.5	Ўртадан паст	-0.5	Паст
23.	Ё.Ж.	0.75	Юқори	0.7	Юқори
24.	Ш.С.	0.4	Паст	0.4	Ўрта
25.	Ш.Г.	0.55	Ўрта	0.4	Ўрта
26.	Ш.Ф.	0.7	Юқори	0.6	Юқори
27.	Ш.Э.	0.7	Юқори	0.5	Юқори
28.	Ю.Ш.	0.7	Юқори	0.2	Ўрта
29.	Ю.Х.	0.6	Ўрта	0.1	Ўрта
30.	Я.Д.	0.7	Юқори	0.4	Ўрта